# Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

45 (939) сон

29 октябрь — 4 ноябрь 2009 йил

Web-site: oilavajamiyat. uz





4

## БИЗ КУЧЛИМИ Ё РЕКЛАМА?

5

## ҚИСМАТГА ҚАСДМА-ҚАСД





11

## “МЕН БИЛАН СУРАТГА ТУШИНГ...”

## СУЗУВЧИ ГИТАРА

15





Шухрат ОДИЛОВ сурат-лавҳаси

## «Мен ҳаммадан ўзаман ҳали!»

## КЕЧА:

➔ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳамдўстликка аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича кенгашининг 51- мажлиси иштирокчиларига табрик йўллади.

➔ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

## БУГУН:

➔ Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган футбол бўйича Осиё чемпионатининг саралаш баҳсларини муваффақиятли якунлаган Ўзбекистон ўсмирлар (U-16) терма жамоаси Тошкентга қайтиб келди.

## ЭРТАГА:

➔ 30 октябрь — 8 ноябрь кунлари Вьетнамнинг Ханой ва Хошимин шаҳарларидаги ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган III Осиё ўйинларида спортнинг 22 тури бўйича бизнинг юртимиз вакиллари ҳам қитъамизнинг қирқдан ортиқ давлатлари спортчилари билан тенгма тенг кураш олиб боришади.

➔ ...Кечагина об-ҳавонинг кескин ўзгаришини “башорат” қилган синоптиклар (ҳатто пойтахтимиз ва водий вилоятларида 28 октябрь куни қор ҳам ёғиш эҳтимоли борлиги қайд этилганди) ўлкамиздаги кеч куз эртага яна қандай “ўйин”лар кўрсатишини билишармикан?

## ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:


| | |
|---|---|
| «Гап»нинг пулига обуна бўлишди | 2 |
| Пастдарғомдаги «Камэльфо мамлакати» | 3 |
| «Жонли бурчак»ка жониворлар керакми? | 3 |
| «Тиббий кўрик»ни «тўғрилаган» келин | 4 |
| Бола ўз ҳуқуқини билиши шартми? | 6 |
| Бу дунё бир бекатдир... | 7 |
| Теледастурлар | 8–10 |
| Никоҳ бекор қилинди ва даъвогар ҳам... жавобгар бўлди! | 14 |
| «Сотка касали»га чалинган ўқувчи | 16 |


## “ОБУНА — 2010”

**ИНДЕКС:**

Якка обуначиларга – 176

Ташкилотларга – 177



ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИДА

# ҚАНДАЙ КИНО КЎРМОҚЧИСИЗ?

***— Қани айтинг-чи, қачон оилавий бўлиб бирон кино ёки спектакль кўргани боргансиз?***
***— Уйда-чи, қайси мавзулардаги фильмларни томоша қиласиз?***

Агар бу саволларни эркакларга берсангиз, айримлари бирон жўялироқ баҳона ўйлашга уриниши табиий. Лекин аксарияти "ана, уйда телевизору видео, DVD плеерларгача бор, хоҳлаган киносини кўраверади" дейиши табиий.

Аёлларнинг жавоблари эса ўзгачароқ, яъни: "бизларбоп кинолар кам-да, борларим ёшларга хос, мабодо шундай киноларга оилавий тушадиган бўлсак, очиғи, кулгуга қолишдан чўчиймиз. Ундан кўра, уйда сериалми, видеоми кўриб қўя қолганимиз маъқул."

Булар албатта, кўнгилдан кечган айрим мулоҳазалар холос. Лекин масаланинг асосий айтадиган бошқа: яъни бугун миллий киномизда ибратли изланишлар давом этаётганлигини ҳам эътироф этиш керак. Бу биринчи навбатда халқимизнинг бой маънавий мероси билан боғлиқ ҳолда ишланаётган бадиий ва ҳужжатли фильмларга бевосита боғлиқдир. Энг муҳими, халқона, яхши кино асар бўлса, у ёшми, каттами, барибир томошабин сифатида хуш



қарши олади, қизиқиб кўради.

Шу маънода Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, "Ўзбеккино" миллий агентлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни ва 10 декабрь — Инсон ҳуқуқлари халқаро кунига бағишланган миллий кино ҳафталигини ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда. Яқинда қўмитада ана шу муҳим тадбирни ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур йиғилишда ушбу ҳафталик доирасида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар атрофлича муҳокама этилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда ноябрь ойининг охири ва декабрнинг бошида ўтказилиши режалаштирилаётган, республика кинобайрамига тақдим этилаётган, бевосита хотин-қизлар мавзуси ёритилган бадиий ва ҳужжатли фильмлар рўйхати ҳам кўриб чиқилди. Бугунги ўзбек миллий киносининг ютуқлари сифатида эътироф этилган «Забаржад», «Чашма», «Эркак», «Катта ойи», «Йўл бўлсин», «Энажон» сингари ўнлаб бадиий ва ҳужжатли фильмлар мазкур нуфузли ҳафталик дастурига киритилгани қувончлидир.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида АКБАРОВА иштирок этди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ОИЛА ҚУРИШГА ТАЙЁРМИСИЗ?

✓ ТАДБИР

Оила остонасига қадам қўяётган ҳар бир ёш: «Мен оила қуришга тайёрманми?» «Нималарни билишим керак?» — деган саволни ўз олдига қўяди. Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида бир қанча никоҳга кириш учун ариза берган ёш йигит-қизлар Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар адлия бошқармаси ФҲДЁ бўлими ва Тошкент шаҳар 2-сон «Шодлик» никоҳ уйи ҳамкорлигида ўтказилган «Оила — ҳаёт гултожи» оила мактабига ташриф буюришди.

Тадбирда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ФҲДЁ бўлими бошлиғи Гулнора Иномжонова, тиббиёт фанлари номзоди, шифокор Назира Шайхова, Республика «Оила» илмий-амалий маркази ходими, оилашунос олима Маҳбуба Мираҳмедова, Республика репродуктив саломатлик маркази ходими, шифокор Дилбар Аҳмедова ва Юнусобод туман Умар ибн Хаттоб жомъе масжиди имом хатиби Мансур Даминовлар иштирок этиб, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори мазмун ва моҳиятидан** келиб чиққан ҳолда: «Қариндошлар ўртасида никоҳларни олдини олиш», «Эрта ва шаръий никоҳларни олдини олиш», «Тиббий кўрикнинг мақсади ва аҳамияти», «Оила мустаҳкамлигининг ижтимоий психологик омиллари» мавзусида маърузалар ўқишди. Бўлажак келин-куёвлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Уларга Республика «Оила» илмий-амалий маркази томонидан буклетлар ва қўлланмалар тарқатилди.

**Шаҳноза РОФИЕВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

# БИТТА "ГАП"НИНГ ЯРИМ ПУЛИГА...

✓ «ОБУНА — 2009»

"Биз обуна бўлдик! Энди газетангиз биратўла бешта оилага йил бўйи келиб турадиган бўлди" деб қўнғироқ қилиб қолди ўтган куни "Оила ва жамият"нинг ашаддий мухлисларидан бири чирчиқлик Эркин ака. Аввалига у кишининг бу сўзларига тушунмадик. Кейин билсак...

*— Тенгқўрларим билан ҳар ойда бир марта "гап еймиз". Деярли ҳаммаси оилали, айримлари невара ҳам бўлган. Хуллас, ҳаммамиз ўзига тўқ, топармон-тутармонмиз. Яқинда газетада журналист Баҳор Холбековананинг "Эрни эр қилинг!" деган мақоласини ўқиб, шу мавзу юзасидан бир мунозара уюштирмоқчи бўлдимда, даврамиздагиларга гап очдим. Бу таклиф "Раис" имизга маъқул бўлди ва "келгуси "гап"да шу мақолани буларга бир ўқиб берасиз" деди. Бир ҳафтадан кейин мақолани 15 кишининг ўртасида ўзимизча муҳокама қилдик. Очиғи, "коса тагида нимкоса" яъни орамизда озгина пул топгач, ҳовлиқиб, оқибатда гулдайгина оиласидан кечиб, енгилтабиатроқ аёлларга илакишиб юрганлар борлигини сезганим ва бу мавзу ниҳоятда жиддийлигини англаб, биринчи бўлиб ўзим гап бошладим.*

*Аксарият ошналарим қизиқиб қолди ва "шу газетага биргалашиб обуна бўлсак-чи?"деган таклифниям айтишди. Лекин ҳалиги, "дарди ичида юрган"лар бўлса тайсаллаб, "керакмас, шундоғам "гап"имиз зерикарли бўп кетяпти, ундан кўра қарта-парта ўйнасак яхши" деса бўладими? Чидаб туролмадим." Кимки энг аввало ўз оиласини муқаддас деб билмас экан, у керак бўлса ўзиниям, ҳатто бизларниям ҳурмат қилмайди. Мен мана, неча йиллардан бери шу газетани уйимда йиғиб юраман. Гоҳида маҳалладан сўраб келишади, "биздагисини кимдир олиб кетибди, керак бўлиб қолди" деб. Ахир бу дунёда фақат овқат, ош еймиз деб яшаб юрганимиз йўқ-ку, биродарлар. Таклифим шундай, агар кўнсангизлар келаси "гап"имизнинг ярим пулига беш кишини "Оила ва жамият"га обуна қилмоқчимиз. Ким рози бўлса, қўл кўтарсин" дедим. Ишонасизми, 15 кишидан 12 таси чин кўнгилдан рози бўлди, қолган уч киши ҳам ноилож қолгач, қўлларини кўтаришди..."*

Бугун мамлакатимиз миқёсида барча матбуот нашрларига, шу жумладан, истиқлол тенгдоши бўлмиш "Оила ва жамият" газетасига ҳам қизғин равишда обуна жараёни давом этаётир. Биламиз, албатта, ҳар ким ўзи севган нашрини танлайди. Бизни қувонтирадиган жиҳати, ўзимизнинг содиқ ва собит муштарийларимиз бор. Уларнинг сони ўн ёки юз нафар эмас, балки мингминглаб эканлигини алоҳида таъкидлаган ҳолда, айрим фаол ўқувчиларимизнинг исми шарифларини келтириб ўтмоқчимиз: Бухородан Эргаш АТОЕВ, Самарқанддан Мерган БЎМАТОВ, Тошкентдан Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи, Ойша ТЎРАЕВА, Яккабоғдан ўқитувчи МУРОДОВлар оиласи, Боёвутдан Маматқул СУЛАЙМОНОВ, Фарғонадан Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ ва юқоридаги каби кўнгилга тасскин бергувчи қадрдон муштарийларимизга ҳар қанча таъзим қилсак арзийди.

ДАРВОҚЕ, биз ҳам сизнинг кўнгил дунёнгиз манзур бўладиган мавзуларни ёритишга ҳаракат қилаверамиз. Ниятимиз: ҳар бир оилага фақат яхшилик ва эзгулик йўлдош бўлсин!

**ТАҲРИРИЯТ**

## Оила ва жамият почтасидан

# «КАМОЛОТ» ТАШАББУСИ БИЛАН

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорликда ёшлар ўртасида тадбиркорлик қобилиятини кучайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш мақсадида "Ўзкўргазмасавдо"да «SSP Expocontact» компанияси ва Ўзбекистон Хитой уйи ташкилотчилиги ёрдамида биринчи халқаро **«MINITECH.UZ 2009»** ҳамда Сартарошлар ассоциацияси кўмагида учинчи халқаро «Гўзаллик фестивали» кўргазмаларини ташкил этди.

**«MINITECH.UZ 2009»** кўргазмасида Хитой, Россия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган 40 дан ортиқ ташкилотлар ўз маҳсулотлари билан фаол иштирок этган бўлсалар, **«Гўзаллик фестивали»да** эса Ўзбекистоннинг энг моҳир, қўли гул сартарошлари бу нозик соҳага оид декоратив косметика усули ва нейл дизайн бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

**Лутфия СУЯРОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

# УЙДАГИ ГАП КЎЧАГА ЧИҚМАСА...

**Бир қарашда нотабиийроқ бўлиб туюладиган бундай анъана бошланганида уйчиликларнинг ўзлари ҳам ажабланишган экан. Чунки оила билан боғлиқ қувонч ва ташвишларга ҳар куни дуч келамиз-да.**

— Туманимизда икки юз мингга яқин аҳоли яшаётган бўлса, табиийки, турли хил масала-муаммоларда кимгадир ёрдам, яна бировга маслаҳат керак бўлади,— **дейди Уйчи тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Обидахон ИСМОИЛОВА.** — Шуларни инобатга олиб, туман ФҲДЁ бўлими, тиббиёт бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ҳар ҳафтанинг чоршанба кунида ёш келин-куёвлар, кўпни кўрган онахон ва отахонлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ҳамда ўз навбатида "нотинч оила" сифатида рўйхатга олинганлар иштирокида учрашувлар ўтказамиз. Ана шундай тадбирлар натижасида ўтган муддат ичида 350 та муаммоли оилалар мустаҳкамланди.

Дарвоқе, кейинги пайтда Уйчида уюштирилаётган "Оила куни"га келаётган нотинч оилалар сони кескин камаяётгани кузатилаётганини мутасаддилар қувониб таъкидлашди. Сабабини сўрасак, "уйдаги майда-чуйда гап-сўзлар шу хонадондан ташқарига чиқиши"дан уялаётганлар сони кўпаяётгани билан изоҳлашди. Бу ҳам ибратли тажриба, шундай эмасми?

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**"Оила ва жамият" мухбири,**
**Наманган вилояти.**

# МЎҒОЛ ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Ҳайрон бўлманг тағин, спорт бўйича яна бирор жамоа пайдо бўлибди-да деб. Мўғол — Булунғур туманидаги қадимий қишлоқлардан бирининг номи. Энг қувонарлиси, бир замонлар ўртача кўринишда бўлган бу гўша истиқлол шарофати туфайли янада гуллаб-яшнаб кетди. Қисқа муддат ичида Мўғолда замонавий боғча мактаблар, қишлоқ врачлик пункти, ўттизга яқин турли маданий ва маиший, савдо хизмати кўрсатиш шохобчалари, хуллас, қишлоқ аҳлини кўзини қувонтирадиган қатор масканлар бунёд бўлди.

Яқинда эса мамлакатимиз миқёсида ўтказилаётган "Республикамизда энг яхши қишлоқ" кўрик-танловининг туманлараро босқичида Мўғол қишлоғи ғолиб деб топилди.

Албатта, бундай ибратли танловлар "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастурига асосан йил сайин обод бўлиб, бутунлай ўзгача қиёфага кираётган қишлоқлар аҳлини руҳлантириши шубҳасиз.

**Баҳодир ҲАМРОҚУЛОВ,**
**Самарқанд вилояти.**

*Ушбу рамз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.*

МЕҲР НУРИ ЁҒАР ДОИМ

# СИНФ ХОНАСИДАГИ ЮЛДУЗЧАЛАР

**Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманидаги 21-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг кўпчилиги рус тили фани сабоқларини ўзгача қизиқиш билан кутадилар. Боиси...**

— Бугун турли соҳаларда бўлгани каби, таълим-тарбия йўналишида ҳам катта ўзгаришлар, янгиликлар амалга оширилмоқда, — **дейди мактабнинг рус тили фани ўқитувчиси, 2009 "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловининг республика босқичи ғолибаси Жанна Ибраимова.** — Аслида болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш ўз фанини ўргатиш каби асосий вазифаларидан бири саналади. Чунки энг аввало, болада ўзига нисбатан ишончни тарбиялаш керак. Бу ишонч бўлмас экан, ҳар қандай аълочи ўқувчи ҳам ўртамиёналикдан чиқиб кета олмайди.

Дарҳақиқат, Жанна Ибраимованинг синф хонасига киришингиз билан бошқа бир оламга кириб қолгандек бўласиз. Бу хонанинг шифтига турли рангдаги юлдузчалар ёпиштириб чиқилган. Агар уларга синчиклаб назар ташласангиз, турли исм-фамилияларни ўқишингиз мумкин. Доска пештоқида эса «Стань звездой!», яъни "юлдуз бўл", деган ёзув шиор сифатида осиб қўйилган. Яна бир томонда машҳур инсонлардан тортиб, турли маҳкамалар номи ва уларнинг ёнида ўша лавозимларнинг ўқувчи "эгалари" зикр этилган.

— Кўпчилик бу усулимга турлича муносабат билдиради, — дея суҳбатни давом эттиради Жанна Ибраимова. — Масалан, баъзи бировлар "ҳамма ҳам юлдуз бўла олмайди-ку, ёки барчанинг ҳам юқори лавозимда ишлаши эҳтимолдан йироқ-ку, шундай экан, ўқувчиларни кўтаринки руҳда тарбиялаб, кейин уларни синдириб қўймайсизми", — дейдиганлар ҳам бор. Аммо «юлдуз» дегани фақатгина санъат соҳасида бўлмайди-ку? Оддийгина касб эгаси бўлса-да, аммо ўз ишининг усталари қанча... Касбини ипидан-игнасигача билиб, уни ижодкорона олиб борадиган кишининг у хоҳ оддий электрик бўладими, хоҳ ўқитувчи, ҳамма жойда ҳурмати баланд. Мансабларга келсак, бунда ҳам маълум бир маъно яширин. Масалан биз синфимизда Комэльфо давлатини тузганмиз. Ушбу «давлат»нинг президенти, вазирлари, судьялари ва ҳоказо лавозимлари, ҳатто ўз конституцияси бор. Бу лавозимни эгаллаган болалар ўша соҳадаги билимларини ҳам кўрсата билиши керак. Ўқувчилар ўртасида олиб борилган бундай амаллар уларнинг давлат ва жамият ҳақидаги тасаввурларини кенгайтирибгина қолмай, ҳуқуқий масъулиятини ҳам оширишга хизмат қилади.

Айтмоқчиманки, баъзи мактаб ўқувчилари, ҳатто юқори синфларда ўқийдиганлар ҳам юртимиздаги вазирликлар, уларнинг фаолияти ҳақида тасаввурга эга эмаслар. Бунда эса аввало боланинг маълум бир соҳадаги қизиқишлари инобатга олинса, иккинчидан,



уларнинг ҳукумат идоралари ҳақида тасаввури кенгаяди.

Шунингдек, ўқувчиларим билан дарслар давомида турли танловлар ўтказамиз, «Аукцион дарси», «Эстафета дарси», «Ўқувчилар кенгаши дарси», «Гладиаторлар уруши дарси» каби машғулотлар олиб борамиз.

— Ҳақиқатан ҳам Жанна Ибраимованинг дарс услуби нафақат туманда, балки вилоятда ҳам оммалаштирилган, — **дейди 21-умумтаълим мактаби директори Адолат Жўраева.** — Унинг болалар тилини тушуниши, фанни ўргатишда ижодий ёндашуви ўз самараларини беряпти. Айниқса, рус тилини ўргатишда фақат қоидалар билан чекланиб қолмай, шу халқнинг маданияти, урф-одати, байрамларига оид кечалар, конференциялар ташкил этади. Унинг бундай интилишлари самарасиз кетмади. 2007 йилда "Халқ таълими аълочиси" нишони билан мукофотланган бўлса, бу йил "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловида ғолиб бўлгани нафақат мактабимиз, балки туманимизнинг ҳам ютуғидир.

Жанна нафақат ўз фанидан сабоқ беришда, балки синф раҳбарлигини ҳам моҳирона ташкил этишда кўпчилик педагогларга ўрнак бўлгулик.

— Танловда иштирок этишнинг ўзи мен учун катта сабоқ вазифасини ўтади, — дея суҳбатни давом эттиради Ж.Ибраимова. — Қанчадан-қанча ўқитувчиларнинг тажрибалари билан ўртоқлашдим. Билдимки, юртимизда фидойи ўқитувчилар жуда кўп экан.

Синф хонасидаги юлдузчалар... Бу юлдузлар ўқувчиларни уларга қараб хаёл суришга эмас, балки бугун ўқиб-ўрганаётган ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар, бу имкониятлардан улар ҳам бебаҳра эмаслигини эслатиб турувчи, уларни доим олға ундовчи маёқдир. Шунинг учун бўлса керак, Жанна Ибраимованинг кўпгина ўқувчилари юртимиздаги, шунингдек чет эллардаги нуфузли олий даргоҳларда, шунингдек, пойтахтимиздаги Вестминстер, Сингапур-менежмент каби институтларида ҳам таҳсил олишмоқда. Ахир, ўқитувчи учун шогирдлари ютуғидан юксак бахт борми?..

**Гулруҳ МЎМИНОВА,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**

# СОҒЛОМ ЯШАШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛИ

СПОРТ

Мақоламиз қаҳрамони Шаҳло Турсунматова Тошкент вилояти, Бўка туманидаги 15-Меҳрибонлик уйига келгач, каратэ тўгарагига қатнаша бошлаган эди.

— Ота-онам касал бўлиб, бирин-кетин вафот этганларида ҳали мактабга ҳам бормаган эдим, — дейди Шаҳло биз билан суҳбатда, — Қариндошларимиз Ўғилой синглим иккимизни Меҳрибонлик уйига олиб келишди. Шу ерда биринчи синфга бордим. Ота-онам эрта қазо қилганликлари учун, негадир кўнглимда фақат соғлом бўлиш керак деган ўй ҳукмрон эди. Шунинг учун биринчи синфга боришим биланоқ спорт билан ҳам шуғуллана бошладим.



Дарҳақиқат, Шаҳло ҳар қандай маънавий-руҳий зўриқишни жисмоний куч билан енгишга қарор қилганди. Эрталаблари югуришни, бадан тарбия қилишни кундалик одатга айлантирди. Вақтини тўғри тақсимлашни ўрганди. Бунда Шаҳлога спорт мураббийси Умиджон яқиндан ёрдам берди. Устози унинг жисмоний тайёргарлигини, маънавий-руҳий чиниқишини мунтазам назорат қилиб борди. Табиийки, тинимсиз машғулотлар бесамар кетмади. Шаҳло 12 ёшида каратэ бўйича Тошкент вилояти биринчилигида ғолибликни қўлга киритди. 2005 йилда пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуасида ўтказилган беллашувда 3-ўринни эгаллади.

У Меҳрибонлик уйидаги устозлари Қосима опа, Насиба опаларни жуда яхши кўрарди. Шу боис келажакда улар сингари ўқитувчи бўлишни ўз олдига мақсад қилди. Мактабни тамомлаганидан сўнг Бекобод педагогика коллежига ўқишга кирди. Тарки одат, амри маҳол, деганларидек, бу ерда ҳам Шаҳло эрталаблари югурди, дарсдан кейин спорт залида каратэ билан мунтазам шуғулланди. Тез орада атрофига каратэга қизиқувчи қизлар йиғилиб спорт секцияси ташкил этилди ва унга Маҳмуджон мураббийлик қилди.

— Одатда спортга меҳр қўйган қизларнинг аксарияти мураббий, жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлишади. Сиз-чи, қайси фан ўқитувчиси бўлмоқчисиз?—сўрадим Шаҳлодан.

— Ўзим спортга қизиқсам ҳам коллежга келганда бу ерда жисмоний тарбия факультети борлигини билмагандим. Мана иккинчи курсдан бошлаб шу факультетга ўтиб ўқишни ният қилдим. Насиб этса, жисмоний тарбиядан дарс бераман.

Шаҳло спорт билан бирга китоблар мутолаасига ҳам қизиқади. Бўш вақтларида турли хил пишириқлар тайёрлайди.

— Коллежимизда Шаҳло сингари Анастасиянинг ҳам боқувчиси йўқ, — **дейди Тошкент вилояти Бекобод педагогика коллежининг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари Н.Мирсаидов.** — Аммо коллежда уларга буни сездирмаслик, бошқалар қатори шароитлардан тўлиқ фойдаланиш имконияти яратилган. Фанларни ўзлаштириши, туриш-турмуши, яшаш шароити доимо коллеж маъмурияти назоратида. Ётоқхонада турадиган бу қизларга стипендия, овқат пули ўз вақтида берилади. Бунда бизга "Нур" фотосалони ҳомийлик қилади. Шаҳлонинг "Зафар" шаҳарчасида Феруза Ўринова деган холаси бор. У киши Шаҳло билан Настяни оталиққа олган.

— Дам олиш кунлари, таътилда холамникига бориб турамиз. У киши касалхонада ҳамшира бўлиб ишлайди. Ўзининг болалари қаторида бизга ҳам меҳрибончилигини аямайди. Синглим Ўғилой Меҳрибонлик уйида, ҳозир 14 ёшда. Байрамларда, таътил кунларида кўришиб турамиз. Мен ўқишни битириб, мутахассис бўлиб олсам, синглимга ўзим қарайман.

Шаҳлонинг келажакдаги орзулари жуда кўп. Уларга эришишда соғлом бўлиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини унинг ўзи жуда яхши билади. Шу боис бирор кунини спорт машқларисиз тасаввур этолмайди. Ҳар куни тонгда коллеж ёнидаги ариқ ёқалаб югуришни канда қилмайди.

**Назира ҚУРБОН,**
**"Оила ва жамият" мухбири**

***Газетамизнинг 44-сонида эълон қилинган "ҲАММА НАРСА СОТИЛАДИ!(?)" деб номланган мақола эълон қилингач, мамлакатимизнинг турли бурчакларидан ушбу мақолага муносабат билдирилган ёзма ва электрон мактублар, қўнғироқлар келмоқда. Бугун ана шулардан айримларини эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.***

МУНОСАБАТ

## ҚИЗИМГА ЎРГАНИБ ҚОЛДИ

Бир куни томорқамиз четкасида қунишиб ётган типратиканчани кўриб қолдим. Негадир у тинимсиз қалтирар, бирон нарса талаганми ё касал бўлганми, билолмай, қизимни чақирдим. "Латофат, шу жониворни далага қўйиб келгин, ҳали кичкина экан, ўлиб қолмасин тағин" деб бошқа ишларга чалғиб кетдим. Орадан уч-тўрт кун ўтди.

Бир куни ошхона томонга ўтсам, яна ўша типратиканга кўзим тушди. Мени сездию, югуриб, дарахтлар орасига кириб кетди. Қизимдан "Нега ташлаб келмадинг?"деб сўрасам, у "Аяжон, раҳмим келди, сал катта бўлсин, ўзим қўйвораман" деб турганди, бир пайт ҳалиги миттивой секин келиб қизимга суйкала бошласа бўладими. Авvalidга ҳайрон бўлдим, чунки бундай жонзотларни қўлга ўргатиш осон эмас-да.

Қизимдан сўрасам, у кулимсираб изоҳ берди: "Сизга сездирмай, сут ичирдим, нон тўғраб бердим. Кейин ўзи изимдан эргашадиган бўлиб қолди. Ишонмасангиз, қараб туринг, қўлимга сакраб чиқиб ҳам олади". Очиғи, ўз фарзандимнинг бир беозор жониворга меҳр бера олганидан бошим осмонга етди.

**Майрам ШАРОПОВА,**
**Яккабоғ шаҳри.**

## "ЖОНЛИ БУРЧАК" КЕРАКМИ?

"Оила ва жамият"нинг ҳар бир сонини интиқ кутаман. Ўзим ўқитувчиман. Бу нашрда бизларга қўшимча манбалар берувчи қизиқарли мавзулар ёритилади. Кечаги мақола чиққунича мен ўқувчиларим билан синфимизда турли жониворлардан иборат "жонли бурчак" ташкил этиш ниятида эдим. Ниҳоятда долзарб муаммо кўтарилгани учун шу куниёқ болалар билан ушбу мақолани муҳокама қилдик. Жуда жиддий баҳс-мунозара бўлди. Биров ҳайвонот олами билан яқинроқ танишиш учун китоблардан кўра, улар тирикларини кўриб туриш маъқул, деган бўлса, айримлар "йўқ, табиатнинг мувозанати бузилиб кетар экан-ку, керакмас, қизиққанлар ана, ҳайвонот боғига бориб кўриб келсин" деди. Хуллас, узоқ тортишдик. Ниҳоят, бу масалани овозга қўйдик. Ўндан ортиқ ўқувчи "жонли бурчак" очиш керакми?" деган саволга "ҳа" деб, қолган асосий яъни кўпчилик болалар "йўқ" деган жавобни айтишди.

Бу ҳам бежиз эмас, негаки, битта мақоланинг таъсири шу-да! Қолаверса, биз ҳам она табиатнинг бир бўлаги эканлигимизни унутмайлик. Мана, бир замонлар йўл қўйилган мудҳиш хатоликларнинг жабрини қанчалаб авлодлар тортаяпти, кўриб турибмиз-ку! Ҳеч бўлмаса, энди бизлар шу хатоларни такрорламайлик. Ёнгинамизда беозор жониворлар ўзларининг "буюк вазифа"ларини адо этаётган юзлаб турдаги фойдали қушлар, типратикану тошбақалар, илону чувалчангларга раҳм-шафқат қилайлик!

**Зебунисо ҒАФФОРОВА,**
**Тошкент шаҳри,**
**Собир Раҳимов тумани.**

НИГОҲ

# БИЗ КУЧЛИМИ Ё РЕКЛАМА?

"Тримол" ҳапдорисининг рекламасини кўрганда нимани ҳис қиласиз? Сизни билмадиму, аммо бу рекламани илк бор қизим билан кўриб қолганимда, унинг беихтиёр қичқириб юборгани ёдимда:

— Вой, аяжон, қаранг, анавилар олдин дадасининг бошига болға билан уриб-уриб, кейин унга дори беришди!

Албатта биз аввалига "анқов" қизимизнинг устидан кулдик. Унга бу — бош оғриғини қолдирувчи дори рекламаси эканлигини тушунтирдик. Аммо орадан икки йил ўтса ҳамки, ана шу тарғибот ҳамон шу кўринишида телеэкранларда бериляпти, биз «Тримол»ни истеъмол қилаяпмиз ва ҳамон ундаги "тақ-тақдан, ҳо-ҳогача" деган тутуруқсиз сўзлар маънисига тушуниб етганимиз йўқ. Бу рекламага анча- мунча кўникиб қолган қизим эса ўша, бошига тушаётган кўринмас зарба (балки болғадир) таъсирида бутун афти буришиб, қийшайиб қолаётган кишига қараб, "данг-данг" деб, болға овозини бериб, жўр бўлади беларво.

Бу нима? Албатта, рекламанинг кучи, кўниктирмаси.

Ҳозирги замон болалари эса доимий реклама таъсирида улғаяётган энг биринчи авлоддир. Бундан севинишимиз керакми ё афсусланиш? Умуман, рекламанинг бола руҳиятига қай даражада таъсир этиши мумкинлигини биламизми? Ахир биз катталар, ўзимиз ҳам ҳали ҳамон рекламадан нимани кутмоқ керак: яхшиликми, ёмонликни: билмаймиз-ку?

Келинг, яхшиси, шу ҳақда бир мулоҳаза юритиб кўрайлик.

### "СНИКЕРС"СИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИМИ?

Реклама берувчилар нима сабабдан энг аввало болаларни ҳам ўз мижозларига айлантиришга ҳаракат қилишади? Бунинг камида учта сабаби бўлиши керак. **Биринчидан,** бола ҳам озми-кўпми ўз чўнтак пулига эга. Шундай экан, у реклама таъсирида ўзи мустақил харид ҳам қила олади. **Иккинчидан,** кичкинтой билиб-билмай ўзида бозор учун зарур бўлган жиҳат, яъни **истеъмолчилик** одатига ўргана боради. **Учинчидан** эса турган гапки, бола — ота-онасининг истеъмолчилик заруратига бевосита ва билвосита ўз таъсирини ўтказа оладиган энг кучли қуролдир. Ахир, қайси ота- она фарзанди «олиб берасиз» деб хархаша қилиб туриб олган сақич ёки бошқа ғуж-ғуж кимёдан иборат ширинликни сотиб олмайди, дейсиз?

### У НИМАДИР РЕКЛАМАНИ БУЗАДИ?

**1. Истаклар ўзгаради**

Ҳа, машҳур қизиқчи раҳматли Ҳожибой Тожибоев таъбири билан айтганда, «мириқиб реклама кўриб ўтирганингизда, шу орасига сериални тиқиб юборишади-да!»

Бу ҳазил гапдир. Аммо аслида реклама туфайли:

Яъни у табиатимизда мавжуд бўлмаган кучли истак ва ҳоҳишларни уйғотади ёхуд аввалдан мавжудларини ёрқин образлар орқали қай даражада мукаммаллаштиришга чақиради. Масалан, телеэкрандаги шарбат рекламаси бизда чанқоқни оддий сув ҳам босиши мумкин деган тушунчани сиқиб чиқара бошлайди. Ёки фарзандингиз ҳали видеоўйинлар, ўзи юрар поездлар, пультли машиналар борлигидан бехабар, тинчгина, уйда бор ўйинчоқларини ўйнаб юрибди дейлик. Аммо у рекламаҳинг гувоҳи бўлгач, эндиликда мавжуд ўйинчоқларидан қониқмай қолади. Унга телевизорда кўрсатилгани керак, тамом- вассалом. Сиз бир амаллаб уни бу шунчаки реклама эканлиги, унда кўрсатилаётган ўйинчоқлар жуда қиммат туриши ва бошқа ҳолатларни тушунтира олдингиз ҳам дейлик. Лекин бола илгаригидек оддий ўйину ўйинчоқларидан қувонч топа олармикин?




**2. Дид бошқарилади**

Реклама, уни ҳар қанча қоралламайлик, барибир мисли бир санъат асари каби бизнинг дидимизга ҳам ўз таъсирини ўтказади ва керак бўлса уни ўзи истаган шаклга ҳам сола олади. Чунки рекламада гўёки ҳақиқатда нима чиройли бўлса, шу нарса намойиш этилади. Қолганлари эса, яъни бизнинг шу кунгача амал қилиб келаётган одатларимиз, аъмолларимиз, кийинишимиз, ташқи кўринишимиз бир пулга қимматдек туюлади. Ва биз ихтиёрсиз равишда реклама роликларидаги қаҳрамонларга тақлидан ўзгара бошлаймиз, ўзлаша борамиз, янги эстетик дидга эга бўламиз ва бора-бора бу руҳиятимизга ҳам кескин таъсир кўрсатади.

**3. «Хўрлик» кучаяди.**

Турган гапки, реклама бизнинг ҳаётни қай тарзда қабул қилишимизга ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Камига роликлардаги маҳсулотни намойиш этаётган бўйдор йигитлар, гўзал қизлар, омадли одамлару бахтиёр болалар бизни гижгижлашдан толмайди: **«Сен бунга лойиқсан!», «Энг яхшиси, фақат сиз учун!», «Тугаб қолдингми, «Сникерс»ни тўхтатма!»** ва ҳ.к. Биз ўтирган жойимизда жимгина ўша, «энг яхшисига» муносиблару омадлиларга термулиб, ичимизда ғимирлаган ҳасад пайдо булаётганини ҳам пайқамаймиз. Ахир бизнинг қўлимиз бунга етмайди. Имконимиз йўқ. Имкониятсизлик эса тўлақонли эмаслигимизни таъкидлаб, устимиздан кулаётгандек гўё. Тўғри, каттами, кичикми, атрофдагилар ҳавас кўзи билан қарашини ҳамма ҳам ичичидан истайди. Аммо бу ҳавас рекламаларда таъкидланғанидек узун сочлару ёки уйингизга ўрнатилажак плазмали телевизор билангина ўлчанмайди-ку?

### УНДА НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Кўриниб турибдики, реклама биз катталарга шу даражада таъсир қилар экан, болаларни-ку қўяверайлик. Биз ҳали **"Сизни простата бези аденомаси безовта қиляптими?"** деган каби рекламаларга тўхталиб ўтишни лозим кўрмадик. Бундай тарғиботнинг болаларимиз маънавияти, миллий онгига қай даражада таъсир қилиши ҳақида ҳам индамаяпмиз. Чунки бу «нозик» мавзуга доир рекламаларнинг қай тарз ва қай пайтда берилаётганининг ўзи алоҳида мавзу, аниқроғи, муаммо, оғриқдир. Аммо биз ота-оналар ўз фарзандларимизни рекламага танқидий нигоҳ билан қарашга ҳам ўргата боришимиз мумкин эмасми? Шунда бола дуч келган ташвиқотга кўр кўрона эргашмасмиди.

Масалан, фарзандингиз сизга реклама қилинган шоколадни олиб беринг, деб туриб олди. Майли, сиз уни харид қилинг. Аммо шу билан бирга реклама қилинмаган оддий шоколаддан ҳам сотиб олишни унутманг. Уйга келгач эса, бола билан «кичкина ўйин» қилинг. Сиз ҳар иккала шоколадни ҳам қадоғидан чиқариб, улардан бир хил бўлакдан болангизга татиб кўриш учун беринг. Хўш, бола бу ширинликларнинг қай бири рекламадагию, қайсиси оддийлигини фарқлай олармикин? Табиийки, жажжи экспертчингиз унисини бунисидан ажрата олмайди. "Иккови ҳам ширин", дейди мамнун илжайиб. Демак... буёғига хулосани боланинг ўзи ҳам чиқариб олади. **Яъни реклама шунчаки алдов, чалғитиш ва болаларча содда ибора билан тушунтирганда, мақтанчоқлик экан-да?** Мақтанчоқлик эса яхши болалар учун "яхши" хусусият эмас. Шу билан бирга реклама ҳар доим ҳам шунчаки кўзбўямачилик эмаслигини ҳам болага англата билиш керак. Масалан, болангизнинг эскириб кетган камзули ҳам аъло реклама воситасини ўташи мумкин. Уни қўлингизга олиб, ёйиб, намойиш этаркансиз, "Сиз кўриб турган манави камзул (ёки шим, кўйлак) жуда кўп саргузаштларни бошидан кечирган. Уни Қаҳрамон деган болакай кийиб, боғчага борарди. Бу кийим уни ёмғирдан, қордан, совуқдан асраган", дея яширин рекламали эртагингизни бошлайсиз. Ва давомини қай томонга олиб кетиш сизнинг маҳоратингиз у фарзандингизнинг тасаввурига боғлиқ. Энг муҳими, унинг энди ана шу кичрайиб, ранги ўчиб қолган кийими ҳам худди яп-янги бошқа энгил боши каби ўз қадр-қимматига эга эканлигини бола тушунади. Ҳаёт рекламадан кўра чиройлироқ эканлигини туя боради.

**Дилфуза ҚЎЗИЕВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА

# КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ...

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Саманта Смит номли боғча-мактаб қошида 1997 йили янги усулдаги яна бир боғча-мактаб мажмуаси ташкил этилган эди. Бу ерда 12 та боғча гуруҳи ҳамда 13 та бошланғич синфлар мавжуд бўлиб, жами 876 нафар болажонларга 41 нафар ўқитувчи ва тарбиячилар ўзбек, рус тилларида таълим-тарбия бериб келадилар.



Таълим даргоҳида яратилган шарт-шароитлар ҳавас қилгудек. Болажонларнинг жисмонан соғлом, бақувват, ақлан етук ва билимдон бўлиб камолга етишлари учун соғломлаштириш хонаси, ёпиқ бассейн ишлаб турибди. Эстетик тарбия ва болаларнинг ижодий салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган "Капалак" рақс тўгарагида тажрибали мутахассислар боғча-мактаб ўқувчиларга ўзбек рақсларидан ташқари, бошқа миллатлар санъатини ҳам ўргатишади.

— Айниқса, мажмуа қошидаги ритмик гимнастика, расм, инглиз тили, рус тили, шахмат-шашка, экология, валеология ва қоғоздан турли анжомлар ясаш тўгараклари болажонларнинг нафақат таълим-тарбия олишлари, балки дунёқарашларини шакллантириш, она табиат, яъни ўсимликлар дунёси ҳамда ҳайвонот оламига меҳр кўрсатиш, Ватан ва оила каби муқаддас туйғуларни дилдан ҳис қилиб, уларни севишдек улуғ туйғуларнинг камол топишида муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда, — **дейди мажмуа директори Гулнора ЖАЛИЛОВА.**

Болажонларга самарали таълим-тарбия бераётган ушбу боғча-мактаб педагогик жамоасининг фидойи ва жонкуярликлари туфайли мажмуа туман миқёсидаги энг кўзга кўринган таълим-тарбия масканларидан бирига айланди. Туман миқёсида самарали таълимни кенг йўлга қўйишда тарбиячилар билан биргаликда самарали иш олиб бораётган энг яхши услубчи Ольга Раҳимова, мактаб бўйича ўқув-тарбия бўлими илмий мудири Салима Худойбердиева, Феруза Абдураззоқова, Людмила Чувирова, Наталья Кряжова ва бошқалар жамоа, қолаверса, ота-оналар билан аҳил ва ҳамжиҳатликда иш олиб боряпти.

**Камола АҲМЕДОВА,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ БОР

# ЁЛҒОНДАН ЧИҚАЁТГАН ЎТ

Яқинда шифохоналардан бирига касал кўргани бордим-у, уч-тўрт аёлнинг суҳбатига гувоҳ бўлдим:

— Эшитдиларингми, Розия яқиндагина туширган келинини бир ой ўтмай ҳайдаб юборибди.

— Вой, нега?

— Нега бўларди, келинининг буйраги касал экан, уям етмагандай ревматизми борлиги учун оғир иш қилолмасмиш.

— Тўйдан олдин Розиянинг ўзи келинчакни роса мақтаганди-ку!

— Касаллигини билмаган-да, айланай! Тиббий кўрикни «тўғрилаган». Қўшнимиз Дилбарнинг ҳам катта келини юрак пороги экан, невараси ҳам шундай туғилибди. Энди ўғлини ажратиб олмоқчи!

— Яқинда мен ҳам қариндошимга қиз узатмоқчиман. Қизимни «бегона қилмайлик» деб, амакиси келин қилаяпти...

Бу гап-сўзлар орасида аёлларнинг «тиббий кўрикни пул билан тўғрилабди» дейиши очиғи, менга ғалати туюлди. Наҳот, бундайлар ўз илдизига ўзи болта ураётганини англамаса? Тасаввур қилинг, ҳатто ўз зурриёти бўлган фарзандининг эртанги тақдирини ўйламай, «эл олдидан бир ўтсак бўлди-да, кейин ўзлари билади» қабилида иш тутаётган қудаларни қандай оқлаш мумкин? Ёки нафси ҳакалак отган оқ халатли шифокорлар ўзларига берилган ваколатни суиистеъмол қилиб, сохта маълумотнома бераётгани учун эртага наҳот жавоб бермайди, деб ўйлайсиз. Албатта, бу дунёда ҳеч бир нотўғри қадам ва ноқонуний қилмиш жазосиз қолмаслиги муқаррар. Шундай экан, энг аввало, ота-оналарнинг ўзлари кўра била туриб, хатога йўл қўймаслиги керак. Қолаверса, ҳар қандай хасталикнинг ҳам олдини олиш мумкин. Фақат ҳар бир одам ўз виждони олдида ҳалол, пок бўлиши шарт. Ана шундагина ҳеч бир ота-она «фарзандим бахтсиз бўлди» дея кўз ёш тўкмайди.

**Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА,**
**журналист.**




**МАРДАК** — сўзи халқ тилида ҳам, бадиий адабиётда ишлатилганда ҳам кинояли оҳангда қўлланилади. Масалан, «Бу мардакдан яхшилик кутиб бўладими?» Мардак сўзи енгилтабиат, пасткаш эркакларга нисбатан ишлатилган.

**ФОТИҲ** — деганда биз асосан забт этувчи маъносида тушунамиз ва ишлатамиз. Бироқ «фотиҳ»нинг биринчи маъноси «очувчи» дегани. «Қуръон»даги «Фотиҳа» сураси ҳам шу маънода Изоҳли луғатда ҳам, Навоий асарлари луғатида ҳам бу сўзнинг «очувчи», «бошловчи» маънолари борлиги ҳақида айтилган.

**КАСБ** — сўзини биз ҳозирда асосан ҳунар, машғулот-касб маъносида тушунамиз. «Касб»нинг илк маъноси «ўрганиш, ҳосил қилиш, эгаллаш»дир. Мантиқан, ҳунар ва машғулотга ҳам ўрганиш асос бўлади.

**ФОСФОР** эса юнонча сўз бўлиб, «нурафшон, нур сочадиган» маъносида, phos — ёруғлик, phoros — олиб борувчи дегани.

**ТЕЛЕФОН** — бу сўз ҳам юнонча бўлиб, «tele» — олис, «fon» — товуш, овоз, демак, телефон — «олис овоз» деган маънони билдиради.

**НАШР**ни кўпроқ «нашр этиш — босиб чиқариш» маъносида тушунамиз. Аслида нашр — ёйиш, тарқатиш маъносини билдиради.

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

МАТОНАТ

# ҚИСМАТГА ҚАСДМА-ҚАСД

*У бир жойда ўтира олмайди. Юраги сиқилиб кетаверади. Ғайрати вужудига сиғмайди. Югуриб-елиб рўзғор юмушларини бажаргиси, хамир қориб, нон ёпгиси, кир ювгиси келади. Ёлғиз ўғлига мазали таомлар тайёрлаб беришни истайди. Истайди-ю, аммо...*

*Бу-ку ҳар бир аёл бажариши лозим бўлган кундалик ишлар, холос. У бундан-да каттароқ ишлар қилишни хоҳлайди. Рўзғор деб аталмиш қобиқдан чиқиб, одамларга хизмат кўрсатсам, ўзимнинг нималарга қодир эканлигимни юзага чиқарсам дейди. Атрофида ўнлаб, юзлаб аёлларни тўплашни, уларга бош бўлишни, иш билан таъминлашни, тадбиркорлик қилишни орзу қилади. Булар орзуга айланиб қолди, холос.*

* * *



...Нигоранинг қўлидан нималар келмайди, дейсиз. Кўйлак, кашта, дўппи тикади, пайпоқ, нимча тўқийди, совғабоп буюмлар, юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлайди. Қийқимлардан шунақа чиройли қуроқлар тайёрлайдики, ҳавасингиз келади. Ҳатто ўзига хос қуроқ кийимлар ҳам тикади. Хуллас, қўли гул, ҳунарманд. Фақат...

Қўлидан шунча иш келишига қарамай, ниятларини амалга ошириш ҳам осон кечмайди. Ниҳоятда қийин. У ҳатто ҳамма аёллар бажариши мумкин бўлган рўзғор юмушларини ҳам қила олмайди. Бунга қодир эмас. Унинг оёқлари танасининг жонсиз қисмига айланганига 15 йилдан ошиб қолди. 15 йилдан буён у аравачада, бировнинг кўмагига муҳтож.

Бироқ у шу аҳволда ҳам бекор ўтиргиси келмайди. Қўлидан келган ҳамма ҳунарини ишга солади. Бир зумда кўйлак тикади. Бир зумда пайпоқ тўқийди, чойнакка ёпғич тикади ва ҳоказо. Тикканларини харидор излашини айтмайсизми?

Ўтган йили Китоб туманида «Асрлар садоси» республика анъанавий маданият фестивали ўтказилганида «борма» дейишганига қарамай, борди. Одам ҳаддан ташқари кўп бўлган паст-баланд қирлардан иборат майдонда ногиронлар аравачасида ўтириб олган Нигорани кўпчилик эслаб қолди. Кўпчилик унинг Қоратепа адирликларидаги энг хушманзара жойлардан бирида намойиш этиб қўйган маҳсулотларини берилиб томоша қилгани ҳам рост.

Ёз ойларида эса Ҳазрати Башир зиёратгоҳида қадам босишга жой топилмай қолади. Нигорани тез-тез ана шу жойда ҳам учратасиз. У тайёрлаган буюмлар узоқ туман ва вилоятлардан келган зиёратчиларга манзур бўлгани учун ҳам харид қилиб кетишади. Нигора бир неча марта Қарши ва Тошкент шаҳарларида бўлиб, ўтган савдо ярмаркаларида ҳам қатнашиб қайтди.

Хуллас, Нигора Собирова ана шунақа, тиниб-тинчимас аёл. Ногиронман, давлатдан нафақа олаяпман-ку, деб қараб ўтирмайди. Аслида, тиниб-тинчимаслик, ғайрат-шижоат унга болаликдан эш. У Китобнинг тоғли Сиёб қишлоғида дунёга келганида март ойининг саккизинчи куни эди. Ўша йили баҳор эрта келиб, онаси туғруқхонадан чиққанида ҳамма ёққа кўклам сепини ёйган, сигирлар бузоқлаб, эчкилар улоқлаб, қўйлар қўзилаб кетган экан. Кейинчалик Нигора ногирон бўлиб қолганида онаси раҳматли ҳар гал «Туғилишинг жуда баракали келган эди, қизим. Бу кўргулик эса сенга Оллоҳнинг қандай синови бўлди?» — деб қайғурарди.

Нигора олти ёшга кирганида туман марказига кўчиб келишди. Тожиклар орасида ўсган қизалоқ ўзбек тилидаги бирорта сўзни билмасди. Қўшни қизлар у билан тил топишолмай кетиб қолишди. Шундан сўнг Нигора гапирмай қўйди. Онасининг саволлари жавобсиз, отасининг сўзлари эътиборсиз қолди. Ҳеч кимга гапирмади. Икки ҳафта чурқ этмай, фақат кўчага чиқди. Чопқиллаб ўйнаб юрган ўртоқларини кузатди. Уларнинг сўзларини эшитди. Хуллас, тили билан гапирмаса-да қулоқларини ишга солди. Фақат тинглади.

Орадан икки ҳафта ўтгач, у бирданига гапиришни бошлади. Ўшанда онаси «нега гапирмаяпти деб қўрққандим. У ичида тил ўрганган экан», — деб қўйганди.

Мактабга борганида эса онаси «қизим кўк кўйлак киймайди», — деб гулли кўйлак тикиб берган экан. Сочларига пўпак, қўлларига кўзмунчоқ тақиб, тўйга келгандай ясаниб олган қизалоқни ўқитувчи энг охирги партага ўтирғизиб қўйди. Бўйи кичкина эмасми, доска яхши кўринмас, Нигора эса ўқитувчининг ҳар бир сўзини қулоқларини динг қилиб эшитарди. Саволларига бир зумда жавоб топар, орқа партадан гапирсам ўқитувчи эшитмайди, деб ўйлаб, олдига югуриб бориб жавоб берарди. Шундан сўнг ўқитувчи бу зеҳнли қизни биринчи партага ўтқазиб қўйганди.

У онаси, опаси, қўшниларидан кўйлак, кашта, дўппи тикишни, гилам, нимча, зех тўқишни ўрганганида ҳали эндигина 12 ёшга қадам қўйган эди. Ўрта мактабни битирганида ҳеч иккиланмай тикувчилик касбини танлади. Берилиб ишлай бошлади. 19 ёшида уни турмушга узатишди.

Аммо... Оилавий ҳаёт уни нохуш кутиб олди. Кучли таъсирланиш, қўрқув натижасида оёқлари ўзига бўйсунмай қолди. Муолажалардан сўнг юриб кетди. Лекин бу ҳол яна бир неча бор такрорланди. Бу орада икки фарзанд кўрди. Қизи нобуд бўлди. Ўғли Шарофиддин эса бугун унинг бор дунёси, қувончи, шодлигига айланган. Шу тариқа у 15 йилдан буён тамоман ўз оёқлари билан юриш бахтидан жудо бўлди.

Шундай бўлса-да, Нигора тиниб-тинчимайди. Ўзбекистон ногирон «Ишбилармон аёллар» миллий уюшмаси аъзоси. «Меҳр нури» жамғармаси томонидан ўтказилган танловда қатнашиб, грант ютиб олди. Уйида ўзи тайёрлаган маҳсулотлардан иборат мўъжазгина музей ҳам ташкил этган.

Очиғи, у орзулари ушалиши, умидлари синиб кетмаслиги учун кимларнингдир ёрдамига муҳтожлик сезади. Гарчи бу ҳақда ҳаммага ҳам айтавермаса-да, тортиниб, қимтиниб турса-да, кулиб турган кўзларидан нажот кутаётганини пайқаб олиш қийин эмас. Бир кам дунёнинг синовидан ўтиб олиш истагида ёниб яшаётган бу аёлнинг қалби оппоқ орзулар билан лиммо лим тўла.

Мабодо кимдадир қаҳрамонимиз билан ҳамкорлик қилиш, унга ёрдам қўлини чўзиш, қўллаб-қувватлаш истаги бўлса манзилини айтиб қўяйлик: **Нигора Собирова Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Али Қушчи маҳалласида, Абдулла Набиев кўчасидаги 14-уйда яшайди...**

**Лола ЎРОҚОВА**


***Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги 2519 - автожамланма давлат корхонаси маъмурияти "Д" тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни***

**ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!**



**Ойлик маошлар қуйидагича:**

Ҳайдовчилар учун **550 000 дан юқори.**

Чиптачилар учун эса **220 000 дан юқори.**

Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида "Д" тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланади.

Ўқиш муддати 6 ой.

**Ҳайдовчилик курсларида ўқишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**1.** Паспорт кўрсатилади ва 2 та нусхаси тақдим этилади.

**2.** Ҳарбий билет (нусхаси тақдим этилади).

**3.** 3х4 сурат (10 дона)

**4.** Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)

**5.** "В", "С" тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари (нусхаси) албатта тақдим этилади.

**Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Авайхон кўчаси, ( собиқ Иркутск) 20-уй.
**МЎЛЖАЛ**: Қорасув 6. **ТЕЛЕФОН: 266-38-31**

**ЖАМИЯТ ВА БИЗ**

**Янги қурилган оила ва туғилган фарзанднинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини асраш, уларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ҳимоя қилинишига эришиш учун кенг жамоатчилик орасида тушунтириш ишлари олиб бориш айниқса ФХДЁ бўлимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Жамият тараққиёти учун авваламбор оилалар мустаҳкам бўлмоғи керак. Ана шу мақсадда вилоятларимиздаги хотин-қизлар қўмиталари, ФХДЁ бўлимлари томонидан маҳалла-кўйда, коллеж-лицейлар, олий ўқув юртларида, ёшлар, аёллар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш юзасидан турли учрашувлар, юзма-юз мулоқотлар ўтказиб келинмоқда. Қуйида эса Фарғона вилоятининг Данғара, Бешариқ, Ўзбекистон туманларида фаолият кўрсатаётган ФХДЁ бўлими мудираларининг ҳаётий кузатувлари ҳамда фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз.**

# ОИЛАГА ДОҒ ТУШМАСИН



— Биз турмуш ўртоғим билан бир-биримизни ёқтириб, синашиб турмуш қургандик, — дейди ҳузуримга келган ёшгина келинчак. — Нон ушатилгандан кейин кўпчилик каби ФХДЁга ариза беришимиз кераклигини билардим. Мен бу ҳақда бўлажак турмуш ўртоғимга айтсам, негадир бу таклиф унга ёқмади. Тўй куни фақат никоҳ ўқитдик. Лекин орадан бир йил ўтиб, фарзандимиз туғилиш арафасида орамизга совуқчилик тушиб, тез-тез жанжаллашадиган бўлиб қолдик. Мен болам туғилмасдан олдин онамникига кетишга мажбур бўлдим. Хуллас, болам ота уйимда туғилди. Эрим ортимдан сўраб ҳам келмади. Мен эса ялиниб бормадим. Қизимга дадамнинг фамилиясини бердим. Ҳозир унинг отасидан ҳеч қандай ёрдам ололмайман. Чунки расмий никоҳдан ўтмаганмиз. У эса бошқатдан уйланди, фарзанди бор...

Ҳақиқатдан ҳам орамизда шу аёлга ўхшаб адашганлар жуда кўп. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг: ҳозир бувасининг фамилиясидаги қизалоқнинг тақдири нима кечади? Бу ҳам оғриқли муаммолардан биридир. Ана шундай муаммоларга чек қўйиш мақсадида ФХДЁ бўлимимизга ёш келин-куёвлар учун алоҳида мактаб ташкил қилинганки, унга етук мутахассислар, руҳшунос, ҳуқуқшунослар, кўпни кўрган кекса отахону онахонлар таклиф этилади. Ёш оила учун никоҳни расмийлаштириш, тиббий кўрикдан ўтиш қанчалик муҳим эканлигини уларнинг ота-оналарига ҳам тушунтирамиз.

Чунки оила қуриш масаласи ҳар бир инсон ҳаётидаги улкан ижтимоий аҳамиятга эга улкан ҳодисадир. Буни кенг жамоатчиликка тушунтириб бориш эса ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади.

**Зуҳрахон ЭРМАТОВА,**
**Данғара тумани**
**ФХДЁ бўлими мудираси.**



# ҲУҚУҚИНИ БИЛМАГАН БОЛА

Баъзан кундалик ҳаётда ўз фарзандларига жисмоний куч ишлатаётган ота-оналарга ҳам дуч келамиз. Агар бундайларни инсофга чақирсангиз «Бу менинг болам, қандай тарбиялашни ўзим биламан», деган жавобни эшитасиз. Лекин ҳар бир боланинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари борлигини улар ҳар доим ҳам билавермайди.

Боланикни ҳимоя қилиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бола ҳуқуқлари ҳимояси Конституциямизда белгилаб қўйилган. Унга кўра, бола дунёга келиши биланоқ, ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади ҳамда давлат томонидан кафолатланади.

Шу конституциявий норма асосида Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган. Қонуннинг 2-боби тўлиқ бола ҳуқуқларининг асосий кафолатларига бағишланган бўлиб, унда боланинг яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, ўз фикрини эркин ифода этиш, ахборот олиш ҳуқуқлари, ҳимояга, оилавий муҳитга, хусусий мулкка, турар жойга, дам олиш ва соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан қўллаб-қувватланиши баён қилинган.

Конституциямизнинг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, инсон ҳаётига суиқасд қилиш эса энг оғир жиноят эканлиги қайд этилган. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунда эса бу норма қуйидагича ифода этилади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир. Боланинг ҳаётига суиқасд қилиш эса энг оғир жиноятлардан биридир. Шундай экан, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш бизнинг олдимизга турган энг муҳим вазифалардан биридир. Биз бу борада ёш оилаларга яқиндан ёрдам бераяпмиз. Нафақат шифокор, руҳшунос, маҳалла фаоллари иштирокида, балки тажрибали ҳуқуқшунослар билан ҳам учрашувлар ўтказяпмиз.

**Хосиятхон МАМАЖОНОВА,**
**Бешариқ туман ФХДЁ**
**бўлими мудираси.**

# ТИББИЙ КЎРИК: АЙБ КИМДА?



Бўлимимизга турмуш қурмоқчи бўлган икки ёш келиб, «Биз тиббий кўрикдан ўтишимиз шарт эмас, соппа-соғмиз, ҳеч нарсадан шикоятимиз йўқ» дейишди. Биз уларга тиббий кўрикдан ўтиш мажбурий эканлигини тушунтирдик. Улар тиббий кўрикдан ўтиб келишгач, аниқ бўлишича, йигит даволанмаса, фарзанд кўролмас экан. У тўйгача даволанди. Тўйдан кейин ҳам икки йил муттасил даволанишлардан кейингина фарзандли бўлишди. Агар ёшлар ўз соғликларидан тўйдан олдин бохабар бўлишмаганда эди, «айб сендами, айб менда», деб анчагина кўнгилхиралик-ларга дуч келишарди.

Оила инсоннинг камол топиши, дунёқарашининг шаклланиши учун шарт-шароит яратадиган тарбия масканидир. Инсон ақлу тафаккурининг парвози ҳам ана шу майдондан, оила бағридан бошланади. Унинг энг биринчи вазифаси жамиятга, давлатга жисмонан соғлом, маънан етук, истеъдодли авлодни етказиб беришдир. Наслнасабнинг тозалиги оилалардан бошланади. Оиланинг илдизи бақувват бўлса, иймон-эътиқод қатламлари мустаҳкам бўлади.

Шу сабабдан оила қуриш олдида турган ёшлар никоҳдан ўтишдан олдин ФХДЁ бўлимимга ариза бериб, тиббий кўрикка йўлланма асосида жўнатилмоқда. Улар бу синовдан муваффақиятли ўтганидан кейингина никоҳлари қайд этилмоқда. Албатта, кўрикдан ўтишнинг афзаллигини энди ёшларимизнинг ўзлари чуқур англаб етмоқдалар. Илгари кўп ҳолларда айнан тиббий кўрикдан ўтмасдан оила қурган ёшлар ўртасида ажралиб кетиш ҳолатлари учраб турган бўлса, энди бундай нохушликларнинг бирмунча олди олинди. Бу эса келажакда соғлом Оила деб аталган қўрғон пойдеворига қўйиладиган биринчи мустаҳкам қадамдир.

**Мақсудахон ШОКИРОВА,**
**Ўзбекистон тумани**
**ФХДЁ бўлими мудираси.**

**ҚАЛДИРҒОЧ**



## ВАТАН

*Ҳар кун тонгда қуёш нурин*
*ҳис қилганимда,*
*Гулзорлардан даста-даста*
*гул терганимда,*
*Қушларнинг шўх қўшиғига*
*дил берганимда,*
*Ватан! Шунда Яратганга*
*шукрона айтдим.*

*Офтоб меҳр нурин сочиб*
*қилганда ханда,*
*Ариқларда зилол сувлар*
*мавжланганида,*
*Юрагимда бахт қўшиғи*
*авжланганида,*
*Ватан! Шунда Яратганга*
*шукрона айтдим.*

*Онам майин алла айтиб*
*куйлаганида,*
*Бувим айтган эртакларин*
*тинглаганимда,*
*«Тинчлик» сўзин маъносини*
*англаганимда,*
*Ватан! Шунда Яратганга*
*шукрона айтдим.*

*Эрк қуёши чарақласин,*
*тўсмасин булут,*
*Халқим, асрлик дардларинг*
*бўлсин-да унут.*
*Шу Ватаннинг қизиман,*
*деб ҳар саҳар туриб,*
*Она юртим, Яратганга*
*шукрона айтдим.*

## ОРЗУЛАР

*Ўн беш ёшда орзуларнинг*
*поёни йўқ бўларкан,*
*Кимдир ойга, яна биров*
*юлдузларга қўнаркан,*
*Тилакларнинг осмонига*
*ишонч билан чиқмасанг,*
*Нарвон силжиб,*
*У орзулар армон бўлиб қоларкан.*

## ОЛТИН КУЗ

*Тиллодай товланиб япроқлар,*
*Ел билан сирлашиб ўйноқлар.*
*Гоҳ шамол, гоҳ ёмғир, чақмоқлар...*
*Олтин куз, нозингдан айланай.*

*Боғларда анору олмалар,*
*Узуму қовунлар тил ёрар.*
*Юракда ажиб ҳис уйғонар,*
*Олтин куз, созингдан айланай.*

*«Оқ олтин» хирмонинг тоғ қадар,*
*Табиат — қуёши йўқ заргар,*
*Этагинг тўла ризқ, неъмат, зар,*
*Олтин куз, ўзингдан айланай.*

Шаҳло РАҲМАТОВА,
**Фарғона вилояти,**
**Ўзбекистон тумани,**
**65-ихтисослашган**
**мактаб-интернати ўқувчиси.**

СИНОАТ

# БУ ДУНЁ БИР БЕКАТДИР

**Чиндан ҳам кимнинг пешонасига нима ёзилганини билмайди одам. Лекин... ҳаётда шундай воқеалар бўладики, бу эса кўпларга тақдир деганлари бор нарса эканлигини эслатиб қўяди. Кейинчалик воқеалар тизимини кузатар экансиз, аслида қисматнинг ўзи сизга айрим ишоралар қилганини англаб, ҳайрон қоласиз.**

«Бир куни нохуш ҳодиса рўй берди, — дея ҳикоя қилади Нозима опа Алиқулова, — қайнукамнинг бир дўсти бевақт оламдан ўтди. Мендан ўша йигитга атаб шеър ёзиб беришимни илтимос қилишди. Шеърни ёзиб, биринчи бўлиб турмуш ўртоғимга ўқиб бердим. Негадир у киши жилмайиб туриб:

— Мен ҳам ўлсам, шеър ёзасизми? — деса бўладими? Гангиб қолдим.

— Э, гапингиз қурсин, тавба денг. У пайтда қандай ёзаман. Қариб-чириган кампир бўламан-ку! — дедим ҳазиллашиб.

Аммо шу суҳбатдан кейин орадан беш йил ўтиб, умр йўлдошим учун қабр тошига шеър битишимни ўша пайтда хаёлимга ҳам келтирмаган эканман. У киши эса билгандилар...

— Чиндан ҳам баъзи кишиларни худойим ўзи учун яратар экан. Умр йўлдошим ўта сермулоҳаза, оғир-вазмин, оқил инсон эдилар. Ҳаётда бир фалсафалари бор эди. Оддий яшаб, юксак фикрлаш, имкон қадар одамларга яхшилик қилиш. Ўта иқтидорли, олим одам бўлишларига қарамай, оддийгина иш кийимида юрарди.

* * *

— Коржомада ўзимни яхши ҳис қиламан-да, — дердилар у киши. Кейин нимагадир бу дунёни автобус бекатига ўхшатар эдилар. «Ҳар кимнинг автобуси турли пайтда келади. Бировники вақтли, бировники эса кеч. Шундай экан, бу бекатни оҳангжамо қилиб безаб, унга уч қаватли бинолар қуришнинг нима кераги бор!» — дердилар.

— Бу нохушликлар аслида чол-кампир ўлгач, ҳовли-жой талаши туфайли бошланди. Ўз жигарларинг, туғишганларинг сенга зуғум қилса, бунга чидаш қийин бўларкан. Кишини хаётдан бездириб қўяр экан, — дея ҳикоясида давом этди Нозима опа. —Носир акам қариндошлар билан бўлган навбатдаги жанжалдан кейин кўксиларини ерга бериб, шундай йиғладиларки... Мен нима қиларимни билмай тепаларида туриб қолдим. Елкалари силкиниб, шундай йиғладиларки, гўё устиларига осмон қулаган эди... ва бу хатолик, иложсизликни тузатиб ҳам бўлмасди. Ўшанда кўнглимда бир нима «чирт» этиб узилди. У кишида саратон хасталиги айнан шу куни бошланган бўлса ажаб эмас. Чунки у киши одамларнинг риёкорлигига чидай олмади, ҳаётдан кўнгиллари қолди. Қаттиқ зўриқишдан таналарида нималардир ўзгариб кетган эди, назаримда. Шу куни у киши елкаларига костюмларини ташлаб, кўчага отланди. Орқасидан чопдим, тирсакларидан тутиб қолишга уриндим. Лекин у киши қўлларини бир силтаб тортиб олдилару, менга қайрилиб ҳам қарамай, уйдан чиқиб кетди...

Шу кетганча икки соатгача у кишидан дарак бўлмади. Қаерга боришимни, нима қилишимни билмасдим. «Ўзини бир бало қилиб қўймаса эди!» деб жоним ҳалак эди. Юрагим шундай зарб билан урардики, томирларим ёрилиб кетадиганга ўхшарди. Бир пайт ташқари эшик очилгани эшитилди. Носир аканинг оёқ товушлари... қайтганларини билиб, бўшашиб, стулга ўтириб қолдим. У кишига аҳволимни билдирмадим.

— Адаси, қўрқитиб юбордингиз-ку! Қаёқларга бориб келяпсиз? — дедим жилмайиб. Уйдан дарғазаб бўлиб чиқиб кетган одам, халимдай юмшаб қайтганларини кўриб ҳайрон қолдим.

— Чой қуйиб юбор! — дедилар гўё ҳеч



нима бўлмагандай.

Чой дамлаб, у кишини чақирдим. Дастурхон атрофида ўтирганча яна сўрадим.

— Қаёққа бордингиз энди?

У киши аввалига айтсамми-айтмасамми? — дегандай ўйланиб қолди, кейин кулимсираб:

— Ҳозир жуда ғалати воқеа рўй берди. Айтсам ишонмайсан, — деди.

— Боя қабристонга, ота-онамнинг қабрини зиёрат қилгани боргандим... Қаттиқ ҳаяжонда бўлганим учунми, узоқдан уларни кўрдим! Оппоқ кийинган ота-онам қабр тепасида ўтирарди. Кўриб, қўрқиб кетдим. Орқамга қараб қочмоқчи ҳам бўлдим. Лекин улар мени кўриб туришарди. Шу боис юрагимда ҳадик бўлса-да, уларга яқинлашдим.

— Ке, болам, нега йиғлайсан? Йиғлама! — дедилар онам меҳрибонлик қилиб. Шунда ҳам кўзларимга ишонмайман. Бундай бўлиши мумкин эмас, дейман. Улар гўё тирикдай, самимий гаплашдилар.

Шу боис кўнглимдаги қўрқув йўқолиб, аста ёнларига бориб ўтирдим-да:

— Ойи... дада? Бу... сизмисиз? — дедим. — Ахир... сизлар ўлган эдингиз-ку?

Отамнинг жаҳллари чиқиб кетди:

— Гаплашяпсан-ку, падарикусур, нега ўлган бўларканман? — дедилар отам. (Қайнотам тириклик пайтларида ҳам бировни уришсалар, «падарқусур» дердилар.) Уччаламиз узоқ гаплашиб ўтирдик. «Сизларсиз менга жуда қийин. Сизлар билан қолгим келяпти, мени ёнингизга чақириб олинг», дебдилар Носир ака. Аммо қайнона-қайнотам у кишини роса юпатишибди, тушунтиришибди:

— Ҳали ёнимизга қайтишингизга эрта. Уй-жой кимлардан қолиб кетмайди, болам. Фарзандларингни, хотинингни ўйла. Улар сенсиз нима қилишади?

Кейин у кишини уйга жўнатишибди.

— Бунга ишониш қийин. Лекин уларни сени кўргандай кўрдим, гаплашдим. Иккисиям бўлаётган воқеаларни билгандай, атай мен учун қабрдан чиққан эканлар...

### ТУЙНУК ИЧРА ПАРВОЗ

Носир ака ота-оналарини қабр тепасида кўрганларидан кейин, орадан тўрт йил ўтиб, хасталаниб ётиб қолди. Бошлари оғриб юрган кезлари бир ўртоқлари пайванд ишларига чақиртирди. Ёз бўлса-да, ёмғир ёққан кун эди.

— Ўзи мазангиз йўқ. Пайванд қилишга бошқа одам чақира қолишсин, — дедим мен. Лекин у киши қўли гул уста ҳам эди. Ишни ҳеч ким улардай бажаролмасди. Шу куни ота-бола пайванд қилишга кетишди. Бироқ, кўнглим сезган иш бўлди. Ўша куни Носир акамни ток уриб, сўридан йиқилиб тушибди. Ўшандан кейин текширувлар бошланди. Мияда шиш борлиги аниқланди. Жарроҳлик операцияси қилишди. Энг ажабланарлиси, операциядан кейин у киши бошларидан ўтган яна бир ғалати воқеани сўзлаб берганди:

«Руҳим аллақандай тубсиз туйнукдан айланма ҳаракат қилиб, юқорига қараб учди. Жуда узоқ учдим», — дея ҳикоя қилганди у киши. — Ўзимнинг парвозимни четдан кузатар эканман, учиш учун шунча кучни қаердан оляпман, деб ўйлардим. Ахир, моторим, қанотларим бўлмаса? Учауча охири бир ёруғ жойга келиб қўндим ва фақат шу ердагина жоним ором топишини тушундим. Аммо... кўп ўтмай, кимдир исмимни айтиб чақира бошлади. Овоз шамол бўлаётгандай элас-элас эшитиларди. Кимдир юзимга шапатилаб урди. Ортга қайтишга мажбур бўлдим. Кўзимни очганимда, палатада ётардим.

— Кейинчалик у кишининг аҳволлари оғирлаша бошлади. Ўшанда билмаган эканман, аслида улар ўша сирли қувурдан учганда ҳам марҳум ота-оналари билан суҳбат қурганларида жон кўчиб бўлган эди. Чунки ҳар иккала ҳолатда ҳам у кишининг узоқ умр кўришига ҳеч қандай ишора бўлмаган. Сўнгги кунлари менга хомуш термулганча:

Нозима, энди сизга қийин бўлади. Икки фарзандни оёққа қуйишингиз, битмай қолган иморатларни қуриб битказишингиз керак, мени кечиринг! — деган эди.

Лекин у киши оламдан ўтганларидан кейин ҳам уларнинг борлигини ҳис қилиб турдик.

Бироқ вафот этган кунлари пулдан анча қийналиб қолдик. Куз келган, қишга озиқ-овқат ғамлаш керак эди. Маблағ йўқ, нима қилишни билмаймиз. Шунда ўғлимга «Азизжон, фалончи қўшнидан қарз сўраб чиқ!» дедим. Аммо у уялиб чиқмади. Баттар бошимиз қотди. Қиш келяпти, Азизжонга иссиқ кийим олишимиз керак. Шунда:

— Дадангнинг курткасини кийиб кўр! — дедим мен. — Ахир янгисига пулимиз йўқ-ку!

Азизжоним ақлли йигит, мени тушунди ва дадасининг курткасини кийиб кўрди. Мўъжиза ҳам шу куни рўй берди. Ўша курткасининг чўнтагидан 160 минг сўм пул чиқса бўладими?! Ҳайрону ҳайратда қолдик. Йиғлаб юбордим... Ахир бу тасодиф эмасди-да!

***Бу воқеаларга ҳам анча бўлди. Биз чала қолган иморатимизни қуриб битказдик. Фарзандларим институтга ўқишга киришди. Хуллас, ҳаётимиз изига тушиб кетди.***

***Аммо менинг англаб етганим шу бўлдики, Носир акам яшашдан мақсад еб-ичиш, дабдабали иморатлар солиш эмас, ўзликни англаш, руҳни камол топтириш эканини яхши билар эканлар. Илоҳим у кишининг охиратлари обод бўлсин! Фарзандларининг бахтини берсин!***

**Нозима опанинг ҳаётий ҳикоясини**
**Мавлуда ИБРОҲИМОВА**
**оққа кўчирди.**

---

ИНСОНПАРВАРЛИК

# ТЎҚЛИККА ШЎХЛИК ҚИЛМАНГ!

### БИРИНЧИ ВОҚЕА

...Мавлуда Бекободдаги катта бир корхонада ходимлар бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб юрган эди. 2007 йил 23 июль куни унга шу жамоада 2005 йилнинг 1 сентябрига қадар чилангар уста бўлиб меҳнат қилган Қаюм Ҳошимов имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи маълумотнома ёзиб беришини сўраб келди. Бу хатти-ҳаракати ноқонуний эканлигини яхши билса-да, нафс балоси устунлик қилди — ўз лавозимига совуққонлик билан қараб, ҳужжатларни текширмасдан, сохта маълумотномага имзо чекиб берди. Натижада...

Қаюм ака эса иши осон битганидан хурсанд бўлиб, имтиёзли пенсияни расмийлаштириб олди. Икки йил ҳеч нарса кўрмагандай тайёргина пулни олиб юраверди. Қинғир иш барибир бир кун келиб ташвиш келтиришини у ҳам қайдан билсин? Ниҳоят, шу йилнинг сентябрида Мавлуда Бобоева устидан Жиноят Кодексининг 228-моддаси 1-қисми билан очилган жиноят иши жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судида кўриб чиқилди. Айнан битта сохта ҳужжатга чекилган имзо орқали давлат жамғармасидан бир ярим миллион сўмга яқин маблағ ноқонуний ўзлаштирилганлиги аниқланди.

Суд ҳайъати ушбу "иш"ни кўриб чиқиб, М.Бобоевага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 28 август кунидаги "Амнистия тўғрисида"ги қарори 6-бандига асосан жиноят иши ҳаракатдан тугатилиб, фуқаро Қ. Ҳошимовга тегишли бўлган нафақа олувчининг шахсий иши Бекобод шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига қайтарилди.

### ИККИНЧИ ВОҚЕА

...Бекободлик Гулбаҳор исмли аёл "Замира" деган номаълум шахс билан ўзаро тил бириктириб, деҳқон бозорида республикамиз ҳудудида сотилиши таъқиқланган психотроп моддалар туркумига кирувчи дорилардан бирини сотаётгани аниқланди. Ўзи 66 ёшда, нафақада бўлган ва икки нафар фарзандини дуо қилиб, бемалол умргузаронлик қилиши керак бўлган бу онахонни қайси шайтон йўлдан урди, дейсиз. Лекин мазкур жиноят иши билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар ўрганилиб, таҳлил этилгач, кишини ҳайрон қолдирадиган ҳолат — ўз нафсини ўйлаш, бир зумда бойиб кетишга мойиллик ва...

Хуллас, Жиноят Кодексининг 273-моддаси 2-қисми ва шу модданинг 3-қисми "б" банди билан айбланган бу аёл устидан очилган жиноят иши суд томонидан кўрилиб, барибир бизнинг давлатимизда амал қилаётган инсонпарварлик тамойилларига асосланган қонунларга биноан ажрим чиқарилганлигини алоҳида эътироф этмоқчимиз. Негаки, Г. Солиева томонидан содир этилган жиноят оғир жиноятлар туркумига кирарди. Лекин шу йил 28 августдаги Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорининг 1-бандига кўра, биринчи марта аёллар содир этган жиноятлари учун жазодан озод қилинишлари ҳамда 7-бандига биноан ушбу жиноят иши ҳаракатдан тугатилди. Ашёвий далил сифатида олинган дори воситалари йўқ қилинди...

Биз ушбу воқеаларнинг қисқача баёнини бежизга келтирмадик. Чунки ҳеч бир қинғир иш беиз кетмайди, халқона айтганда, "кўза кунида эмас, кунда синиши" мумкинлигини ҳар бир фуқаро англаши керак. Ахир, юртимизда тинч-осойишта, эмин-эркин, ҳалол яшаш, ишлаш учун шунча шарт-шароитлар яратилган бир пайтда, энг аввало ҳаммамиз Она, аёл дея улуғлайдиган, ардоқлайдиган хотин-қизларнинг бундай ноқонуний ишларга аралашиб қолишини қандай изоҳлашни билмайсан киши.

**Мурод АЛИМУҲАМЕДОВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Бекобод шаҳар суди раиси.**
**Матлаб ҲАМЗАЕВ,**
**судья.**

# “МЕН БИЛАН СУРАТГА ТУШИНГ...”



...Қўлимга тўйхат бериб кетишди. Ўқисам, уч-тўртта қўшиғи билан радио-телевидениеда чиқиб сал-пал танилиб қолган хонандалардан бири уйланаётган экан. Салом-алигимиз борлиги боис айтилган тўйхонага ўтдим. Карнай-сурнай, шовқин-сурон авжига миниб, ясан-тусан кийимлар кийган келин-куёв “саҳна”га чиқишди. Бийронгина ўртакаш (бу сўзнинг асл маъноси қандайлиги ва қачон пайдо бўлгани номаълум) йигитча тўй кечасининг расман очилганини эълон қилди.

Бошланди томоша! Ўйин-кулгу, базму жамшид авжига чиқди. Ярим соат ичида ҳайҳотдай тўйхона ўртасида ҳатто юришга жой қолмади. Ўтирган одам қолмади ҳисоб: тавба, бу дунёда ҳамма раққосаю, ҳамма ҳаваскор қўшиқчи(тўйга келганлардан айримларининг мусиқачилар ёнига ўтиб ўзларича жўровоз ҳам бўлганига не дейсиз?)га “айланди”.

Биров бировни эшитмайди, танишроқ одам ёнингизда ўтирган бўлса-да, имо-ишора билан гаплашасиз. Илож йўқ, тўрт томонга қўйилган баҳайбат “колонка”лардан чиқаётган овоз қулоқни тешиб юборай дейди. Бир пайт давракаш аввал куёвжўрага, кейин эса келиннинг дугонасига сўз берди. Қисқагина тилакдан сўнг яна навбат... баландпарвоз оҳангларда таништирилган “таниқли санъаткор” (ҳали санъат майдонига кирролмаётган)ларга берилди. Хуллас...

Йўқ, мен бу билан бир дабдабали тўй манзарасини батафсил тасвирламоқчи эмасман, аксинча, шу баҳона кейинги пайтларда оммавий равишда шаҳару қишлоқларимизда “урф”га кириб бораётган яъни тўй-томоша кўриб дам оламан, кўнгил ёзиб ўтираман дейдиганларнинг асабини бузаётган нохуш бир ҳолат хусусида сўз юритмоқчиман холос.

Шундай қилиб, биз борган тўйга ҳам одатдагидек, “навбатчи” ва бошловчи хонандалардан кейин анча танилиб қолган санъат (ё саноатмикан?) “юлдуз”лари салобат ва виқор билан “ташриф буюришди” (давракаш йигит изоҳи). Улардан уч-тўрттаси давранинг тўрига ўтиб, шогирдларини қутлаб ҳам қўйишди. **Сўнг жонли(аслида эса... ишонасизми, жонсиз фонограммани аксарият қўшиқчилар бугунги кунда тўйларда ҳам қойилмақом қилиб уддалашяпти)** ижрода куйлай бошлашди. Албатта, улар орасида эл суйган, ҳақиқий санъат намояндалари ҳам бор эди.. Ана энди мезбону меҳмонлар даврага ўйнаш учун эмас, балки ҳалиги хонанда билан суратга тушиш учун гуррос-гуррос бўлиб чиқиб кела бошлашди. Ноилож қолган қўшиқчи “жонсиз” ижросини яшириш учун микрофонни зўрға тутиб қотиб турар, айрим ширакайф мухлислар эса микрофонни ўйинқароқлик қилиб тортиб олишганида эса, тўйхонанинг нариги бурчагидан хонанданинг жарангдор “фанер” овози чиқиб турарди.

## ТЎЙДАГИ «ТОМОША»

Тўй охиригача бу ҳол неча ўн марталаб такрорланди. Охири кайвони бир онахон микрофонни қўлига олиб, “барака топгурлар, сизлар ўзи тўйга келгансизлармi ё артистлар билан расмга тушишга? Бу нима аҳвол, на бир қўшиқ эшитяпмиз, на бир маънилироқ қутлов? Ахир, тўй эгаларининг ҳам ўз орзу-ҳаваси бор, сизларни яхши ниятда шу ерга таклиф этган-ку! Нега бировнинг тўйини бузасизлар?”дея жаврай кетди. Ана шундан кейингина давра сал тартибга тушди. Лекин кўп ўтмай яна ўша ғаройиб “томоша” бошланди...

ВАҲОЛАНКИ...худди шу тўйга келганлар орасида кураш бўйича ўзбеклардан биринчи бўлиб спорт устаси деган фахрли ном олган машҳур полвон, самбо бўйича жаҳон чемпиони, халқ шоири ва ниҳоят...куёв бўлмиш қўшиқчи йигитни санъат йўлига етаклаб келган “Булбулча” болалар дастаси раҳбари, фидойи инсон Шермат Ёрматов ҳам бор эди. Уларга на табрик учун сўз берилди, на бирор киши келиб “мен билан суратга тушинг, илтимос” деди...

Чунки ҳамманинг кўзи нурли ва нурсиз “юлдуз”ларда эди.

**Норқобил ЖАЛИЛ**

## ИШОНЧНОМА ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА БЕРИЛАДИ?

*БИЛАСИЗМИ?*

Транспорт воситаларидан фойдаланиш ва тасарруф этишнинг муҳим қоидаларидан бири ишончномани расмийлаштиришдир. Афсуски, кўпчилик фуқароларимиз бу масалага беэътибор бўлганликлари сабаб гоҳида қийналиб юришади.

Хўш, нотариал ҳаракатнинг бу турини расмийлаштириш учун қандай ҳужжатлар лозим? Ҳар бир шахс авваламбор ўзи билан паспорти ва автомашинага тааллуқли техник паспортни тақдим этиши керак. Агар ишончнома яқин қариндош, яъни, эр-хотин, ота-оналарга, болаларга, уларнинг эр-хотинларига, набираларга, ака-укалар, опа-сингилларга ва жиянларга берилаётган бўлса қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинади. Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни тасдиқлаганлик учун бож эр-хотин, ота-она, болаларга, уларнинг эр-хотинларига, набираларга, ака-ука, опа-сингил ва жиянлар ўртасида энг кам иш ҳақи миқдорида қолган шахслар учун энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида ундирилади. Ишончномани олаётган фуқаро жисмоний ожизлиги, касаллиги ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмайдиган бўлса, унинг талабига мувофиқ ўзи ва нотариус иштирокида ишончномани ўзга фуқаро имзолаши мумкин. Бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахс ҳужжатни шахсан имзолай олмаслиги сабаблари кўрсатилиши лозим.

ЎзРФКнинг 141-моддасига биноан эса ишончномани берган шахс истаган вақтида уни бекор қилиши ҳам мумкин.

**Шухрат МИРОЛИМОВ,**
**Оҳангарон туман Давлат нотариал идораси бошлиғи.**

Тошкент шаҳридаги 7 - автокорхона
ОАЖ “Д” тоифали ҳайдовчиларни
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!



*Ойлик маошлар қуйидагича:*
Ҳайдовчилар учун
550 000 дан юқори.

**Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**
Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 49.
**ТЕЛЕФОНЛАР: 279-95-31, 279-95-34**

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!
«ZEHN-SHANS»
ИЛМИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

*Абитуриентларни олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун қуйидаги фанлар бўйича тайёрлайди: кимё, биология, она тили ва адабиёти, математика, физика, инглиз тили, тарих, рус тили. Машғулотларни фан докторлари, фан номзодлари ва дарсликлар муаллифлари олиб борадилар.*

Марказ дарсларнинг юқори даражали сифатига кафолат беради.

Назарий ва амалий машғулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотнома»лар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтасига 3 марта 2 соатдан дарс жадвалига киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларни сотиб олиш мумкин.

***Машғулотлар сентябр ойидан бошлаб 1 августгача 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.***

Бизнинг абитуриентларимиз: 2006 йилда - 85%, 2007 йилда - 92%, 2008 йилда - 99% ўқишга қабул қилиндилар.

**Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, ушбу илмий ўқув марказида рус ва инглиз тилини ўрганиш курслари ҳам бор.**

**МАНЗИЛ:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 14-а уй (9 қаватли бинонинг 1-қавати).
**Мўлжал:** Юнусобод, «Универсам» бекати, «Юнусобод» бозори қаршисида.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** 8(371) 212-17-67, 212-34-80. **ФИЛИАЛ:** Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, «Мустақиллик» кўчаси, 39-уй.

«TO‘RABEK ZIYO» ўқув маркази

**Хурматли ва азиз ота-оналар!** Фарзандларингиз келажакда танлаган соҳалари бўйича етук кадр бўлишини истасангиз, биз билан ёшликдан билим чўққиларини мустаҳкам эгаллашига замин яратасиз, деган умиддамиз!!!

**“Эй ўқувчи** — бу ҳаётда обрўли, кучли, енгилмас, иродали, **бой бўлишнинг ягона калити — билимдир.** Уни эгалласанг, юқоридагиларга албатта эришасан. Шунинг учун **юракдан ўқи, бўлмаса сарсон бўласан!!!”**

***МАРКАЗ ШИОРИ***

**I. Лицей ва касб-ҳунар коллежларига тайёрлаш бўлими.**

5-6-7-8-9-синф ўқувчиларини **(Вестминстер дипломатия, ҳуқуқшунослик...)** лицей ва коллежларга тайёрлаш;

**II. Ўзбекистон олий даргоҳларига тайёрлаш бўлими. (Олий милиция мактаби, божхона институти, ҳуқуқшунослик институти, ТДИУ...)**

1. Иқтисод йўналиши: Ҳуқуқшунослик йўналиши: Тиббиёт йўналиш: Техника йўналиши: математика, физика, она тили ва адабиёт, тарих, инглиз тили, кимё, биология.

**III. Чет эл олий даргоҳларига тайёрлаш бўлими. (АҚШ, Англия, Австралия, Япония, МДҲ, ...)**

1. Иқтисод йўналиши: Ҳуқуқшунослик йўналиши: Тиббиёт йўналиш: Техника йўналиши: (математика, физика, инглиз тили, кимё, биология).
2. **TOEFL** дастури (АҚШ программаси асосида, тилни билувчилар учун)
3. **AITC** дастури (Англия программаси асосида, тилни билувчилар учун)

**IV. Хорижий тилларни ўрганиш бўлими ( гуруҳда 12 киши)**

1. Инглиз тили, рус тили, араб тили — сўзлашув гуруҳи **(50 000 сўм)**
2. Турк тили, хитой тили ва корейс тили **(100 000сўм)**

**Дарсларни конкурсларда ғолибликни қўлга киритган тажрибали мутахассислар олиб боради.** Тингловчилар тест орқали танлаб олинади. Қабул ҳар куни соат **09:00 дан 17:00 гача.** Ўқув маркази раҳбарияти **дарсларнинг сифатини кафолатлайди.** Тингловчилар ўқитувчини танлаш имкониятига эга. Вилоятдан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Машғулотлар гуруҳлар тўлишиға қараб бошланади.

**МАНЗИЛ:** «Хадра» меҳмонхонаси, 6-қават.
**МЎЛЖАЛ:** Тошкент давлат цирки биноси ёнида.
**Тел.:** 244-26-09, 244-26-34.

КЎНГИЛ МУЛКИ

# ОСМОНМИСИЗ, ДАРЁМИСИЗ БУВИЖОН!

***Тун ойдин. Шу қадар ойдинки... Кеча ёққан қалин қор ёруғлиги тўлин ой нурлари билан уйғунлашиб, ажиб сирлилик кашф этган. Бундай сирлилик бағрида ғафлатда қолиб ухлаш гуноҳ. Фақат ёзмоқ даркор. Менинг эса... қаламим жим. Ҳадеб деразага қараб, фикрим бўлинаверади. Гўё нимадир бўлиши керакдек. Ниманидир кутаман. Ҳозир дераза тиқиллайди-ю... Лекин сукунат мени тушунмайди. Дераза эса жим... Соқов. Ахир, Сиз энди йўқсиз...***

— Ҳалиям ухламай ёзиб ўтирибсизми? Ишли, ёш болали хотин озгина дам олсангиз бўлмайдими?! Чироқни ўчиринг, бироз ухланг!

Бу — Сизнинг менга сираям ботмайдиган койишингиз эди, бувижон. Ҳар гал кичик хонамнинг чироғи ўчмаганини кўриб, секин деразани тиқиллатиб, сал буйруқнамо тарзда айтардингиз бу гапни. Мен-ку ёзма-чизмаларим туфайли ухламасдим. Сиз-чи? Сиз нега ухламасдингиз? Менинг чарчаганимни, бироз ухлаб дам олишим лозимлигини айтиш учун етмиш ёшли кекса аёл уйқусини бузиб, қоронғуда пойабзалини қийналиб топиб, кийиб чиқиши шартмиди? Қаранг, мен ҳам шундай бўлиши шарт деб тушунарканман-да, то Сиз чиқиб, «койимагунингизча» ўтираверарканман.

...Сизга келин бўлиб тушганимда нон ёпишни билмасдим. Тошкенту Андижон оралиғида бориб-келиб, уч йил, беш йил ўтиб кетди. Бир куни ўғлингиз масалани кўндаланг қўйди:

— Агар нонни яна бувим ёпсалар, тандирни бузиб ташлайман!

Эртаси куни ишдан қайтсам, Сиз яна нон ёпаётган экансиз. «Ҳозир аччиқ-тирсиқ гап бўлса-я» деб ўйладим. Аммо сиз «келақолинг, мана бу саватдаги нонларни айвонингизга ёйиб, ўраб қўйинг» дедингиз. Юзингизда бирор норози кайфият сезмадим. Сал ўтмай ўғлингиз ишдан қайтди. Ошхонада куймаланиб юриб, нон ёпиш ҳақидаги ўйловлар ҳам ёдимдан чиқди. Кечки овқатни дастурхонга қўйиб, чой дамлаб келиш учун ташқарига чиқдим. Чойнак кўтариб уйга кираётсам она-боланинг суҳбати қулоғимга чалиниб, туриб қолдим.

— Нонни ким ёпди?

— Ўзинг бувим ёпмасин деб буйруқ бериб кетувдинг-ку, келиним ёпди.

— Йўғ-ей?

— Мана чекич уришда мен бошқача гул солишимни биласан-ку. Энди чекич уришу, нонни сал йирикроқ ясашни айтсам бўларкан. Ҳар ҳолда, эплабди. Секин ўрганади десам бир шошилдинг-ей...

Ўша лаҳзада қандай ҳолга тушганимни тасвирлаш қийин. Келини учун атай нонни бошқачароқ ясаб, бошқачароқ чекич уриш, яна ўғлига мақтаб гапириш ҳамма қайнонанинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу менга «Нонни сиз ёпинг» дегандан кучлироқ таъсир қилди. Айниқса, «бинойидек нон ёпганим» учун ўғлингиздан совға олганимда жуда қийналдим. Сиз қандай устоз эдингиз, буви, дарёмидингиз, осмонмидингиз?..

Баъзан касбим тақозоси туфайли арзгўйлар билан учрашишга тўғри келади. Кўпроқ қайнона-келин можароларига шоҳид бўламан:

“Ҳамма юмушни бажараман, барибир, пайт топиб ўғлига чақади. Мени ёмон кўради. Алоҳида қозон қилиб, бирор «дом»га чиқиб яшасак яшайман, бўлмаса, ажрашиб кетаман».

Бу — «куйган» бир келиннинг шошма-шошарлик билан чиқарган хулосаси.

«Бо, болам-а! Бу келин на уйни тоза тутади, на ош-нонни мазали пиширади. Ясаниб ишга боришни-ю эрига кўйлак олдиришни билади, холос. Яна мен билан айтишгани-чи?. Бўлмайди. Топганимни сарфлаб, ўғлимга онаси ўпмаган қиз олиб бераман. Гапим битта: бу таннозхон билан яшатмайман”.

Бу эса «аламзада» қайнонанинг гаплари. Бу каби арзларни эшитганимда беихтиёр кўз ўнгимга Сиз келасиз. Сизнинг арзсиз, шикоятсиз, нурли чеҳрангиз янаям азизроқ туюлади. Сизнинг фазилатингиз арз қилиш, гап чақиш ўрнига келинининг хатосини яшириш, кенгдиллик билан тарбиялаш, билмаганини ўргатиш эди. Дарёмидингиз, осмонмидингиз?

Айтганча, ҳозир кунора нон ёпаман. Чекич уришим ҳам, нон ясашим ҳам худди Сизникига ўхшайди.

Ҳасратни ёқтирмасдингиз. Фақат баъзан «Юракларим адо бўлган» деб қўярдингиз. Аслида, бу гапни ҳамма аёл ҳам кўп ишлатади. Аммо Сизни «адо қилган» дард бошқаларникидан кучлироқ экан. Сиз кундошли бўлган экансиз. Кетма-кет қиз туғилавергач, ўғил туғмадинг деб «камситилган, кўнглингиз кундошликнинг оғриқларига рўпара бўлган экан. Қарангки, кундошли бўлган йилингиз ўғлингиз туғилибди. Аммо Сиз кундошингиз Зулфи энамизнинг рўзғорини ҳам бузмабсиз. Ҳатто, катта опамизнинг тўйида сарполар сандиғига бош қилиб, иззатлабсиз. Маслаҳатгўй бўлиб, кўнглини кўтарибсиз. Бефарзанд Зулфи эна Сизнинг бу дарёлигингизни ўла-ўлгунича алқаб ўтибдилар. Бир гал Сиздан “нега ўз қадрингизни бундай ерга урганингиз» деб сўрашганида «Кундош кўрган кунларим жуда қаттиқ изтироб чекканман. Худойим ўша изтиробларим ҳаққи ўғил берган бўлса, не ажаб. Зулфи опам савобга қолдилар» дебсиз. Шунчалар дарёмадингиз, осмонмидингиз буви! Ахир ҳамма нарсадан яхшилик қидириш, фазилат топиб яшаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермаса керак.



Сиз то нафақага чиққунингизча пахтакор, пиллакор бўлгансиз. Сўнг 23 йил нафақа олдингиз. Аммо ҳар гал нафақа беришаётганда кўзларингиз маъюсланиб, қўлларингиз хиёл титраганга ўхшарди. Бу бесабаб эмас экан.

... 1958 йилларнинг баҳорида бошқа қишлоқдан кўчиб келган ёлғизкўл қайнэгачингизга ҳовлингиз ва уйингизни бўшатиб бериб, унга берилган қуруқ ерга уй солиб яшайдиган бўлибсизлар. Тўрт болангиз билан капа тикиб яшаб, бутун оила гувала қуяётган кунларингизда хўжаликда ипак қурти тарқатилаётган экан. Сиз «Бу йил қурт боқиш учун уйимиз йўқ. Қуртни қандай боқаман», — деб раисга узр айтибсиз.

— Мен билмайман. Бу топшириқ, — дебди у.

— Тушунинг, раис бува, уйим йўқ-ку қурт боқиш учун. Улар ўлиб қолади. Йўқ, боқолмайман, — дебсиз яна қийналиб. Сўзи синган раис эса ...

Хуллас, «ипак қуртини сочиб юборди» деган туҳмат туфайли дадамиз ҳали милицияга, ҳали ўртоқлик судига кўп қатнабди. Аммо Сизга буни билдирмабди. Чунки туҳматдан қаттиқ эзилишингизни истамаганда. Аммо хатга тушиб қолган бу айбингиз анчадан кейин — нафақага чиқаётганингизда ўз таъсирини кўрсатибди. Нафақангиз анча фоизга қирқилиб ҳужжатлашибди. Сиз буни кейин билибсиз, аммо бирор марта шикоят ҳам, қўни-қўшнига ҳасрат ҳам қилмабсиз. Қўшни-ўртоқларингиздан тенг баравар кам нафақа олаётганингизда ҳатто ўзингиздан хижолат бўларкансиз. Лекин Сизнинг далада ҳам, пиллада ҳам энг илғорлардан бўлганингизни ҳамма биларди-ку. Нега хижолат бўлгансиз?! Нега шикоят қилмагансиз? Шунча дарёмидингиз, шунча ҳокисормидингиз, буви! ...

Баъзан умрида нафақага арзирли меҳнат қилмай, «йўлини қилиб» катта пулга имзо чекаётганларни ёки ёлғондан касалман деб қоғоз тўғрилаб қирқ ёшиданоқ, нафақага чиқиб олаётганларни кўрсам, Сизнинг ҳокисор чеҳрангиз янаям улуғланиб, нурланиб кўринади ва бу сиймони ўз даражасида тасвирлай олмасликдан қийналаман. Аммо ҳамма улуғлик ҳам, ҳамма нурлилик ҳам сўзга сиғавермайди.

...Тун ойдин. Шу қадар ойдинки, ухлаш гуноҳ. Фақат шу ойдин туннинг ўзига ўхшаш ёруғ хаёл суриш даркор. Борлиқ сеҳргару мен сеҳрланганман. Юрагимда ёруғ бир соғинч, ёруғ бир ҳасрат... Қалам эса бу соғинч, бу ҳасратни муносиб шарҳлаёлмаслигини билиб титрайди. Ахир, дарёни дарёлигича, осмонни осмонлигича қоғозга сиғдириш малол. Қароғимни куйдириб чиққан томчи қоғозга томади. Қалам юради: «Охиратингиз обод бўлсин!»

**Замира РЎЗИЕВА**

# КУЗДА ЮЗ ЁРУҒ БЎЛАР

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ



Кузга нисбат берилганида бежиз “олтин фасл” деган урғу беришмайди. Негаки, бу пайтда йил бўйи қилинган меҳнат сарҳисоб қилинади. Шу маънода бекободлик фермер Турсуной опа Бегматованинг “ғалвирни сувдан кўтараётиб” юз-кўзлари ёришаётганини кўрганлар “опамиз учун бу йил ҳам хосиятли келди-да” деб қўйишаётганини тушуниш мумкин.

Ўттиз йилдан бери она ер билан “тиллашиб” келаётган Турсуной опа билан суҳбатлашиш чоғида бу аёл негадир ҳадеб “қанча майдонингиз бор, нималар эккансиз, даромад қандай бўлди, режалар-чи?” деб бериладиган саволларга жавоб беришни унчалик хушламайди. “Ундан кўра, мендан “қишлокда қанча машина бор, нечта тўй-томоша бўлди, ишлашни билганлар яшаяптими ё яшашни билганлармми?” деб сўрашсин, қандай жавоб беришни ўзим биламан”, — дейди тиниб-тинчимас фермер.

Ва шу баҳона гап орасида ўзи деҳқончилик қилаётган 70 гектар ер майдонининг ярми донли экинлар, ярми пахта, яна бир қисми полиз, сабзавот маҳсулотлари билан “безанган”ини билиб оламиз ва унинг ўзига хос содда ва жайдари гапларини эшитамиз.

— Қишлокда яшаб, бозордан бери келмаётганларни кўрсам, очиғи, жиним қўзийди. Шунда уйининг олдидаги бир парча ерга гул ёки бошқа кўчатлар экиб, иссиқхона қилиб, бойиб кетаётган шаҳарликларнинг отасига раҳмат, дейман. Хўш, биз — қишлоққа тақдири боғланган одамлар-чи, шундан икки баравар кўпроқ жойга нима экаяпмиз ўзи? Айниқса, бизнинг ерларни жаннат деса бўлади, чўп тиқиб қўйсангиз кўкаради. Шундай сахий тупроқнинг қадрини билмасак, кўзимиз кўр бўлади, болам. Картошка, пиёз, сабзи, помидор, бодринг, қўйингки, ҳамма нарса томорқадан чиқади. Фақат ишлаш керак. Мана, менинг фермер хўжалигим аъзоларини кўринг, ҳам ўзларининг уйини гуллатиб қўйибди, ҳам даласини.

Ҳали яна қанча қилинмаган ишларим турибди. Ҳув, бўш ётган бир парча майдонча бор, ташландиқ, лекин келаси йили шу ерда балиқ кўпайтирадиган ҳовуз қурмоқчиман. Атрофига тол, терак экиб ташлайман. Яна айрим ишчиларимга уй қуришимиз керак. Ана , бир пайтлар ҳеч ким қарамаган 3 гектар майдонда бизлар яратган боғни томоша қилинг. Тўрт йил ичида ҳазилакам меҳнат сарфланмади. Энди эса мева-чевасидан ҳамма баҳраманд бўлаяпти...

Тошкент вилояти Бекобод туманидаги “Янги ҳаёт” фермерлар уюшмаси ҳудудидаги "Афсона Турсуной" фермер хўжалиги раҳбари бўлмиш бу жонкуяр аёлни ҳали бирон жойда бемалол дам олиб ўтирмаганини айтган ҳамқишлоқлари у билан фахрланишларини эътироф этаркан, “қанийди, ҳамма ҳам унга ўхшаб ишлаганида, фидойи бўлганида бу жойлар янада гуллаб-яшнаб кетарди”, деб қўйишди.

Опанинг ўзидан кузги хирмон ҳақида секин сўраймиз. Кулиб қўяди одатдагидек ва “ёмонмас, ҳозирги ғанимат кунларда бор ҳосилимизни йиғиб олсак, марра бизники, кейин келаси йил учун тайёргарлик бошланади”, дейди.

Айтганча, ҳар йили куз келди дегунча, Турсуной опа тумандаги 10- ва 13- сонли мактабгача таълим муассасалари ҳамда пойтахтдаги бўлғуси тиббиётчилар таҳсил олаётган олий даргоҳ ҳамда Онкология илмий-текшириш институтига ўз хайрия ёрдамини топшириб келади. Яна қанча маҳалладошларига ҳам қўлидан келгунича кўмаклашади. Булар ҳақида батафсил тўхталиб ўтишини сўрасангиз"шарт эмас" деб қўяди Турсуной опа.

Ҳа, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да саховатли олтин куз бебаҳо неъматларини ҳамқишлоқлари билан баҳам кўраётган бундай инсонларга “юзингиз ҳамиша ёруғ бўлсин!” деймиз.

**Турдиқул НОРМАТОВ,**
**“Оила ва жамият” мухбири.**

ЭРКАКЛАР БУРЧАГИ

# АНДИША ҚИММАТГА ТУШАДИ

Сир эмас, бевосита эркаклар дуч келадиган муаммолар орасида энг мураккаби саналган жинсий ожизлик бугун бутун дунё аҳлини ташвишга солаётир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, дунё бўйича ажралиб кетаётган оилаларнинг 42 фоизига айнан ана шу дард сабаб бўлаётгани аниқланган. Бу ҳам бежиз эмас. Чунки турмушда ўзаро номутаносибликнинг келиб чиқиши, нафақат асабийлашиш, бўлар бўлмасга жанжал чиқариш, ҳатто ўз жонига қасд қилишгача олиб келаётганини ҳам яшириб ўтиришга ҳожат йўқ. Демак, бу хотиржамликка берилиб, "ўтиб кетади" деб ўйлайдиган муаммо эмаслиги аниқ. Шундай экан, ҳар қандай шароитда, оддий шамоллашдан тортиб, сурункали простатитга чалингунга қадар кутиб ўтириш шарт эмас. Ҳар қандай касалликнинг ҳам олдини олган минг марта афзал.

Эр-хотин ўртасидаги салбий муносабатларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган муаммолардан бири — эректиль дисфункция яъни жинсий муносабатга лаёқатсизликдир. Кузатишлар шуни кўрсатяптики, эректиль фаолиятнинг сусайиши 21 ёшдан ошган эркаклар орасида 10 фоизни, 40-70 ёшгача бўлганларда эса 52 фоизни ташкил этмоқда. Яна бир қизиқ ва ачинарли томони, бу дардга чалинганларнинг 70 фоизи жинсий муносабатлари тикланишини чин дилдан исташса-да, бироқ бор-йўғи 10 фоизигина бу муаммони ҳал этиш учун бевосита шифокорга мурожаат қилар экан.

Хўш, эркаклар жинсий фаолиятининг бузилиши қандай келиб чиқади? — деган саволга энди жавоб излайликчи: унга қуйидаги сабаблари бор, биринчиси, руҳий таъсирланиш туфайли рўй берса, иккинчиси органик жараён сабабли келиб чиқади. Энг кўп тарқалган тури, яъни 80 фоизи руҳий азобланиш оқибатида учраши аниқланган. Органиқ, яъни қон айланишининг бузилиши, неврологик, эндокриник ўзгаришлар, турли дори-дармонларни нотўғри қабул қилиш ва бошқа омиллар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, йўлдош касалликлар — юрак қон-томир фаолиятидаги ўзгаришлар, простата бези гиперплазияси, қонда холестерин микдорининг ошиши, қандли диабет, депрессия, кашандалик ва асабийлашиш, ўтказилган жароҳатлар, жарроҳлик амалиётлари, ёшга нисбатан зўриқиш сингари жараёнларнинг ҳам таъсири катталигини унутмаслик керак.

Энг муҳими, ана шу икки турни ажратиб, ўрганиш шарт. Ана шундагина беморга ёрдам бериш мумкин. Аксинча, фойдаси кам бўлади. Бугунги кунда тиббиёт бу борада ниҳоятда такомиллашган. Жинсий муносабатда сусайиш рўй берган эркакларга аввало махсус сўровнома(тест)орқали, лаборатор гармонларни текшириш(тестостерон, ЛГ.Пролактин, ), махсус текшириш услублари(ультратовуш допплерографияси, фармокодопплерография, простата безини текшириш, кавернозография) орқали бундай муаммоларга ечим изланади.

Кўп кузатганман, жинсий муносабатларида муаммо туғилган эркаклар иложи борича бу дардини яширишга уринишади. Ҳатто узоқ текширув-таҳлил жараёнларида аниқланган хасталикларни ҳам ошкор қилгиси келмайди. Бундай ҳолатда у аввало ўзига жабр қилаётганини тушунмайди ёки андишага бориб, дардини яширади. Истиҳола қилиш, уялиш, андиша эса эртага ўзи учун қимматга тушишини англамайди.

**Баҳодир РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**уролог, тиббиёт фанлари номзоди.**

# ОВУЛНИНГ ЎЗИДА ДАВОЛАНАДИ

ҚОРАҚАЛПОҚ ТОМОНЛАРДА

Оролбўйидаги экологик аҳволнинг ўзгариши, ҳудудлардаги аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича олиб борилаётган саъйҳаракатлар ва энг муҳими, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш энг долзарб масалалардан бири эканлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, биз биргина ўзимиз яшаётган Чимбой тумани мисолида сўз юритадиган бўлсак, шифохонамизга салкам 102 мингга яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш вазифаси юклатилган. Албатта, бундай масъулиятли ишни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлиб қолмайди.



Айни пайтда ҳудудимизда 15 та тиббий овул шифокорлик пунктлари фаолият кўрсатмокда. Улардан олтитаси янгидан қурилган бўлса, еттитаси реконструкция қилинди. Қолганлари ҳам капитал таъмирланди. Энг асосийси, уларнинг аксарияти махсус "Саломатлик-1" лойиҳасига биноан керакли тиббий ускуналар билан таъминланди.

Тасаввур қилинг, бундан беш-олти йил аввал ҳам чекка овулларимизда яшаётган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қониқарли эмас эди. Энди эса 50-100 чақирим масофа йўл босиб, юртдошларимиз шифокор излаб юришмайди. Деярли ҳар бир овулнинг ўзида тиббиёт пунктлари ишлаб турибди. Уларда барча керакли дори-дармонлар етарли.

Шу йилнинг 13 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларида белгилаб берилган энг долзарб вазифалардан келиб чиқиб, бугунги кунда туман аҳли орасида бу борада қатор тадбирларни амалга оширяпмиз. Айниқса, тиббий кўрикдан ўтишнинг катта аҳамиятга эга эканлиги, туғиш ёшидаги аёлларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш, қолаверса, туғилган ва туғилаётган чақалоқларнинг турли хасталикларга чалинишининг олдини олиш бўйича амалий чоралар кўриляпти.

Шу ўринда эътироф этишимиз керакки, аввалари ўз саломатлигига анча бефарқ бўлган одамлар энди бир оддий ҳақиқатни англаб етишяпти: у ҳам бўлса, бу оламда ҳар кимнинг ўзигина саломатлигини кафолатлай олиши мумкинлиги ва ҳар қандай шароитда ҳам ўз вақтида хасталикнинг олдини олса, кейин азоб чекмаслигини тушуниб етишмоқда.

**Света АЛЛАМУРОТОВА,**
**Чимбой туманидаги марказий шифохона бош шифокори.**




ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР, ЭШИТГАНЛАР КЕЛИНГЛАР!

Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Нурбулоқ шаҳарчасида жойлашган

**«НИЛУФАР НАМОЗОВА»**

хусусий шифо маскани қуйидаги касалликларни маъданли сув билан даволайди:

1. **Ҳаракат-таянч аъзолари касалликлари;**
2. **Периферик ва марказий асаб системаси касалликлари;**
3. **Юрак-қон томирлари тизими касалликлари;**
4. **Овқат-ҳазм қилиш аъзолари касалликлари;**
5. **Тери касалликлари;**
6. **Сийдик ажратиш аъзолари касалликлари;**
7. **Аёллар жинсий аъзолари касалликлари.**

*Шунингдек, шифо масканида қуйидаги даволаш муолажалари олиб борилади:*

*Маъданли сув билан даволаш, физиотерапия, парафин-озокерет апликациялари, шифобахш уқалаш (массаж), иглотерапия ва бошқа замонавий даволаш усуллари.*

**МАНЗИЛИМИЗ: Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Нурбулоқ қўрғони. (Мўлжал: нефть база яқинида)**

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: +99866 238-22-46, 266-67-82, 370-01-90.**

**ВОАЖАБ!**

### 84 ЯШАР КЕЛИН!

84 ёшли Пегги Кларк билан 93 ёшли Жеймс Мэйсон бир кўришдаёқ бир-бирларини севиб қолишди. Орадан уч кун ўтгач, «йигит» унинг қўлини сўради ва «қиз» ҳам ўз ўрнида унга турмушга чиқишга розилигини билдирди.

— Биз бироз эскичароқмиз,— дейди келинчак Пегги уялиб. — Шунинг учун ҳозирги айрим ёшлардек шунчаки бирга яшаб юраверишни эмас, ФҲДЁ рўйхатидан ўтишни ва никоҳ ўқитишни лозим деб топдик. Чунки бу қоидалар оила мустаҳкам бўлишининг асосий пойдеворидир.

### 67 ЁШИДА ОНА БЎЛДИ!

Руминиялик Андриана Илеску биринчи фарзандини 70 га киришига бор-йўғи уч йил қолганда дунёга келтирди. У она бўлишни, бунга анча кечиккан

тилини ўргана бошлаганди. Ҳозир у 81 ёшда бўлишига қарамай, «Евгений Онегин» ни инглиз тилига таржима қилиш устида ишлаяпти. Шунингдек, Еврипид асарларини грек тилида ўқияпти. «Менга ўхшаган, қартайган кампирнинг мияси занг босиб кетмаслиги учун унга доим нимадир юклаб туриш лозим» дейди у.

### «БУ ЙИЛДАН МАЗАМ ЙЎҒРОҚ...»

Ёшлик рецепти: «Ҳаракат ва меҳнатсеварлик»

Ўзимизнинг ўзбекистонлик Умриниса бувимиз ҳам олти фарзандни ўстириб, вояга етказганлар. Бир куни қарасам, автобусда осилиб қаёққадир кетяптилар. Ўшанда саксондан ошган эдилар. Эшик олдида зинада

# ҲЕЧ «КЕЧ БЎЛДИ» ДЕМАНГИЗ!

***Ҳаётда учта нарсани амалга ошириш учун ҳеч қачон кеч бўлмайди. Бу оила қуриш, фарзанд кўриш ва бойликка эга бўлиш.***



бўлса-да, ҳамон жуда-жуда истарди. Унинг эзгу орзусини рўёбга чиқариш учун шифокорлар замонавий технологиядан фойдаланишга мажбур бўлишди. Яъни, уруғлантириш сунъий йўл билан амалга оширилди.

### ЮЗДАН ОШГАН СПОРТЧИ!

**«Менга ўхшаб чоп, мендан тезроқ чоп!»**

Бу Жанубий Африка давлатларидан бирида истиқомат қилувчи Филипп Бабиновичнинг шиоридир. Қизиғи, Филипп юз ёшдан кейингина спорт билан шуғулланишга вақт топди. Юз ёшлилар ўртасида 100 метрлик масофага чопиш бўйича рекорд ҳам ўрната олади. Бу масофани у 30. 86 секундда босиб ўтди! Сиз-чи? 30 ё 40 ёшингизда бу масофани неча сонияда босиб ўта оласиз?

### ЭНГ КЕКСА ТАЛАБА!

Мэри Хобсон қайта-қайта уринишлардан кейин ниҳоят 69 ёшида Лондон Университетига ўқишга кириб, талаба бўлди. Шунингдек, у А.Грибоедовнинг «Ақлилилик балоси» асарини инглиз тилига моҳирона таржима қилди ва номзодлик диссертациясини ҳам ёқлади. Айтганча, у 56 ёшга тўлганидагина рус

турганча, бақиряптилар:

— Ҳой, юқорироқ кўтарилинглар! Ҳой, сурилинглар! — деб. Кўриб ҳайрон қолгандим.

Буви ҳаётда қувноқ, ўта ҳаракатчан одам эдилар. Гарчи, невара келинлару эваралар хизматда эканига қарамай, ўзлари ҳам тинмасдилар. Қариндош-уруғларда қизи борларга кўрпа, кўрпачалар қавиб берадилар. Етмаганига лозим бўлса, ўз кирларини ўзлари ювиб, келинларга қаноат қилмай, тозалаб ҳам олардилар.

Бир куни ўша бувимиз юз ёшга тўлгандан кейин йўқлаб бордим. Қарасам, уйда усталар ишлаётган, буви эса ҳовли супуриб юрган экан. Ўғиллари «келинлар қилади» деб уришсаларда, нимагадир ғайрати тошиб, қўлига супурги олган эканлар. Ўша «қаҳрамонлик»дан кейин чарчаб, ўтириб қолибдилар-да:

— Шу йилдан сал мазам йўқроқ-да! — деган эканлар.

Ана шу бувимиз 105 га чиқиб вафот этдилар.

**Умуман олганда инсон мияси 300 йил яшаши мумкин экан. Ҳамма гап инсоннинг ўзи, унинг руҳиятида. Руҳан соғлом инсонлар саломатлиги ҳам яхши бўлади, узоқ умр кўради. Яна ҳар доим ёш бўлиб қолишда ҳаётга ташналик, ирода кучи ҳам муҳим роль ўйнар экан.**

**Ҳ. ҲУСАН тайёрлади.**

# БЕКОР ҚИЛИНГАН НИКОҲ

## *ёхуд у қандай амалга оширилади?*

***Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман адвокатлар ҳайъати аъзоси, ҳуқуқшунос Умида ЁҚУБОВА билан суҳбат***



**— Айтинг-чи, ҳозирги кунда никоҳни бекор қилиш ҳолатлари қай даражада?**

— Бу — ҳар доим ўзгариб турадиган жараён. Баъзан арзимаган майда-чуйдалардан жанжал бошланиб, иш судгача етиб келади. Оиланинг ўзи мураккаб бир дунё. Ёшларимиз орасида сабрсиз, мулоҳазасиз, иродасизлик оқибатида ажрашиш ҳоллари учраб турибди. Ёшгина бир қиз ўзга хонадонга келин бўлиб келдими, унинг шу оилага кўникиши, ўзга муҳитга ўрганиб олиши учун озроқ муддат керак бўлади. Бунда қайнона-қайноталарни ўрни ниҳоятда катта, албатта. Афсуски, қайнона-келин ўртасидаги муносабатларда муросага келиш мушкул бўлаётганлиги оқибатида никоҳлар бекор қилиняпти. Имкони борича, маҳалла-кўй, жамоатчилик кўпинча ёш оилани сақлаб қолишга ҳаракат қилишади. Лекин ҳар хил ҳолатлар бор, бундай пайтда ярашиш ё келишишнинг имкони бўлмайди.

**— Судга тақдим этилган даъво аризаси қанча муддатда кўриб чиқилади?**

— Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан Ўзбекистон Республикаси процессуал кодексида даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотиннинг ярашиши учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли. Агар суд шу 6 ой давомида эр-хотин бундан буён ҳам биргаликда яшашга ва оилани сақлаб қолишга имкониюти йўқ деб топса, уларнинг никоҳи бекор қилинади.

Агар эр (ёки хотин)дан бири оиласи бўла туриб, бошқа биров билан кетиб, никоҳ бекор қилинишини сўраса, суд унинг аризасини кўриб чиқиб, бу оилани сақлаб қолишнинг имкони бор деб топса, бундай ариза рад этилади. Даъвогар олти ойдан сўнг қайтадан ҳужжатларни йиғиб, судга яна мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

**— Қандай ҳолатларда даъво аризасини кўриб чиқиш мумкин эмас?**

— Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси «Оила» кодексининг 39-моддаси асосида хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилгандан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмаслиги белгилаб берилган. Бироқ бундай ҳолатларда аёл кишининг никоҳини бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаси қабул қилинади.

**— Нима сабабдан айрим никоҳлар суд эмас, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари томонидан бекор қилинади?**

— Агар эр-хотиндан бири: Суд томонидан бедарак йўқолган, руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъий назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра, улар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади.

Агар болалар ҳақида эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкини бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида

**ҲУҚУҚ ВА БУРЧ**

низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд орқали ажратилади.

**— Никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат этишда эркак ёки аёл тарафга муносабат масаласи қандай белгиланган?**

— Бундай ҳолатларда эркак ҳам, аёл ҳам тенг ҳуқуққа эгадир. Суд натижаларига кўра, баъзан эркак киши айбдор деб қайд этилса, баъзида аёл кишининг оиласига мутлақо лаёқатсизлиги аниқланади.

**— Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқаришда қандай ҳолатлар алоҳида эътиборга олинади?**

— Никоҳ бекор қилингач, вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшаши;

вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси бирида ва қанча миқдорда алимент ундирилиши;

эр ва хотиннинг (улардан бирининг) талабига кўра умумий мол-мулкнинг бўлиниши;

эр (хотин)дан таъминот олишга ҳақли бўлган хотин (эр) нинг талабига кўра ана шу таъминот миқдорини белгилаш шарт.

**— Суднинг никоҳни бекор қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарорини чиқариш учун давлат божи даъвогардан ундириладими ёки жавобгардан?**

— Ҳар бир қарор сўнгида суд харажатлари кимдан ундирилиши ҳам кўриб чиқилиб, никоҳнинг бекор қилинишига қайси тараф айбдор деб топилса, ўша тарафдан ундирилади. Агар иккала тараф ҳам айбдор деб қайд этилса, иккала тарафдан ҳам тенг миқдорда давлат божи ундирилади.

**«Оила ва жамият» мухбири Барно МИРЗААҲМЕДОВА суҳбатлашди.**

# ХУСУМАТНИНГ РАНГИ

**КЎЗГУ**

...Ҳаммаси бир кунлик хизмат сафарига кетган кунимдан бошланди. Ишга яхши таассурот билан чиқдим. Столни очдиму, ҳангу манг бўлиб қолдим. Тўлалиги боис зўрға ёпганим — қоғоз папка бўшаб қолганди. Унда биринчи қўлёзмаларим, табаррук бир инсоннинг менга ёзиб берган тавсияномалари бор эди! Ҳис-ҳаяжон билан туширган машқларинг илк севгинг каби азиз бўларкан. Чидолмадим — йиғлаб юбордим.

— Синглим, нима, сиз энди йўқотяпсизми бундай қоғозларни? — деди кулимсираб ҳамхонам менинг асабийлашганимни кўргач. — Э, нимасини айтасиз, меникини ўғирлашавериб, охири кўникиб қолдим бунга.

Барибир уйга бир умид билан қайтдим. Чунки бундан уч-тўрт ой олдин ишхонамдаги қўлёзмаларимнинг бир нусхасини олиб келгандим-да. Орзиқиб ўша сумкани очдим, аммо улар ғижимланган қоғозлар, кераксиз картонлар билан тўла эди! Бунчалар ҳам содда бўлмасам! Буларни уйга олиб кетаман, деб икки-уч кунлаб қолдираманми-а, ўша ерда!

Эртасига ҳамхонам сафарга кетди. Унинг столидан айрим ҳужжатларни олишга мажбур бўлдим. Беихтиёр ўша йўқотганларим орасидаги бир варақ қўлёзмамга кўзим тушди! Қай аҳволда қолдим, шу лаҳза, билмайман. Аммо билганим, шу кундан эътиборан одамларга ишонмай қўйдим. Ахир менинг қувончларимга шерик, орзу-ўйларимнинг сирдошига айланиб қолган бу аёл менинг на овсиним ва на кундошим! «Кундош-кундошга пахта, овсинлар эса бир-бирларига тош отади», деган гапни эшитгансиз. Кундошлар кайфияти улар учун ягона бўлган эрларига таъсир қилармиш. Овсинлар эса мол-мулк талашишаркан. Мен эса уни таниб ҳам МЕН эдим, уни танимаган чоғимда ҳам — МЕН! Қолаверса, меники ўтса ўтардики, унга, уники эса йў-ў-қ...

Беихтиёр у ҳақда айтилган бир гапни эслаб қолдим:

— Сиз заҳарли илоннинг офтобда ётганини кўрганмисиз? Бу роҳатдан илон ўзини ҳар тарафга отади, кулча бўлиб, тангачаларини жилолантиради. Чунки илон ўша дамларда заҳар тўплаётган бўлади. Опангиз ҳам бамисоли илон, эҳтиёт бўлинг!.. Бир куни заҳарни бетингизга шундай туфлайдики, қочгани жой тополмай қоласиз!

Эҳтиёт бўлишликни эса билмабман. Ҳаётда оқ ранг бўлмаганида, қора рангни ҳалигача ажратолмай юрармидик. Ёмон одам бўлмаса, яхшини танишимиз қийин. Улар ўзимизни ўзимизга «танитиб» турадилар. Ўзгаларнинг хотиржам ҳаёти ва шодликларини кўролмай, уларга дилхираликлар келтирадиган одамларга эса фақат Худойимдан инсоф сўрайман. Чунки биз бир макон ва бир замонда яшаётган эканмиз, эллик йил кейин ёки юз йил аввал дунёга келсак, бир-биримизни кўролмасдик, бир-биримизга бунақа ёвқарашда туролмасдик. Шундан ҳикмат ахтарайлик-да, кўрар кўзимиз, юрар изимизни янада равшан айлайлик.

**Умида АБДУАЗИМОВА, шоира.**

## Буни ҳаёт дейдилар...

# Сабрина́нинг сабр косаси



*(Давоми. Боши ўтган сонларда)*

...Атрофни оппоқ қорларга буркаб, кузнинг заъфарон баргларию кайфиятидан зада бўлган кўнгилларга ёруғлик улашиб, қиш ҳам кириб келди. Сабрина тонг чоғи деразадан ташқарига узоқ термулиб турди. Қалби ширин ҳисларга тўлди. Бироздан сўнг ишга бориши лозимлиги ёдига тушиб, охири йўқ хаёлларини йиғди. Кунлик ишларини режалаштирар экан, бугун учинчи декабрь — дугонаси Ширинннинг туғилган куни эканини эслади.

Қиш куни қисқа, ҳаш-паш дегунча пешиндан оғди. Сабрина ишдан сўнг дўкон айланиб, дугонасига совға олди. Кейин йўлини «Водий ширинликлари» дўкони сари бурди. Битта чиройли торт сотиб олади. Оқшом туша бошлагани билан бу ерда харидорлар кўп эди. Сабринанинг эътиборини бир-бирига гал бермай қандай торт сотиб олиш хусусида баҳслашаётган уч-тўрт нафар йигитларнинг шовқини тортди.

— Энг чиройлисини сотиб оламиз-да, ахир оғайнимизнинг умрида бир марта бўладиган бахт тўйи, — деди сарғиш пальто кийган йигит. Уни Сабрина қаердадир кўрган. Ҳа, эслади: ёзда Беҳзод билан кафега киришганида Беҳзод уни синфдошим деб таништирганди.

— Анави, иккита оққуши борини олайлик, Беҳзодга албатта, ёқади...

Беҳзод! Сабрина́нинг бу исмни эшитиши биланоқ, вужудига титроқ кирди. «Наҳотки, у?..» Катта-катта кўзларини йигитларга тикканича, жойида туриб қолди. Улар савдо қилиб бўлиб эшик томон юришганидагина, қиз ўзига келгандай бўлди.

— Кечирасиз, сизни бир дақиқага мумкинми?

Сабрина овози титраб чиқаётганини яшириш учун томоғини аста қирди. Бояги сарғиш пальтоли йигит ортига ўгирилди.

— Яхшимисиз?

— Яхшимисиз, адашмасам...

— Ҳа, хабарингиз йўқми, Беҳзоднинг бугун тўйи, у уйланяпти!

— Албатта, хабарим бор... Мени ҳам тўйига таклиф этганди. Бироқ бора олмайман шекилли. Бошқа зарур ишларим чиқиб қолди. Уни менинг номимдан ҳам табриклаб қўйсангиз, илтимос.

— Майли, қутловингизни унга етказаман.

— Раҳмат...

Йигитлар кулишиб чиқиб кетишди.

Сабрина... Дўкондан қандай чиққанини ўзи ҳам сезмади. Одамлар сийраклашиб бораётган, оппоқ қор билан қопланган йўлакдан қадамларини оғир-оғир босиб бораркан, ёноқларини ювиб тушаётган қайноқ кўз ёшларини изғирин шамол муздай томчиларга айлантираётганини ҳам ҳис қилмасди...

«Наҳот, бу дунёда муҳаббат деганлари ёлғон бўлса? Наҳот, Беҳзоддан айрилгани рост бўлса? Наҳот... Энди ота-онаси, укаларининг юзига қандай қарайди? Одамлар нима дейди? Бундай кунни кўрганидан ўлгани яхши эмасмиди? Э, худо! Қайси гуноҳларим учун бунчалар азоб берасан? Айбим унга ишонганим, уни севганимми? Нега алдади мени? Менинг унга рафиқа бўлишга ҳаққим йўқмиди? Нега яна мени қийноқлар уммонига ташладинг, қисмат? Нега? Нега? Нега...»

Сабрина йўлак четидаги ўриндиққа ўзини ташлаб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Анчагача ўксиб-ўксиб йиғлади. Танасидан совуқ ўта бошлагани билан юраги ўт бўлиб ёнарди. Борлиқни турфа ранг чироқлар ўз оғушига ола бошлади. У қўл телефонининг ёқимли мусиқа чалишидан ўзига келгандай бўлди.

— Алло...

— Алло, Сабрина! Қизим, бунча ҳаялладинг? Келаяпсанми? Ёки укангни олдингга жўнатайми? Олиб келсинми? – Онасининг пайдар-пай берган саволларидан «Нега ўкинасан, ахир сени интиқ кутаётган мен борман бу дунёда», деган таскинли маънони уққандай бўлди.

— Ойижон, ҳозир етиб бораман, - деди кўз ёшларини артганча.

Уйга бориб овқатланмади ҳам. «Шамоллабман шекилли, бошим оғрияпти. Дам олмоқчиман», деб хонасига кириб кетди. Чиндан ҳам боши тарс ёрилай дерди. У ухлашни, бу изтироблари унут бўлмагунича уйғонмасликни истарди. Тортмада турадиган дорилар ичидан бош оғриғини қолдирадиган таблеткани қидирди. Кўзи баногоҳ уйқу дорисига тушди. Қўлига олиб аввал битта, кейин иккита, сўнгра... ҳаммасини ҳовучига тўкди...

У икки кундан сўнг касалхонанинг жонлантириш бўлимида кўзини очди. Тепасида кўзлари йиғидан шишиб кетган онаси турарди.

— Нега бундай қилдинг, жон болам? Мени ўйламадингми? Ахир мен сенсиз қандай яшардим бу дунёда?

— Бахтиқаро қизингизни кечиринг, ойи...

... Сабрина бир номардни деб ширин жонидан кечмоқчи бўлди. Бу иши азбаройи гуноҳ эканини идрок қилгани сайин, кўплар бахтини топган бу ҳаётда биргина у жабр чекиш учун яратилгандай туюлиб, баттар хўрлиги келарди. Шифтга термулиб ётаркан, нега яна қисматнинг қийноғига дуч келганининг сабабини излаб тополмасди. У шунчалар соддами? Содда бўлса нима қипти? Бу айбми? Нега айрим одамлар бундан фойдаланиб қолишга интиладилар? Бу жирканч қилиқларидан нега улар шунчалар завқ оладилар?

Бу саволларга ўзича жавоб беришга ҳаракат қилар, шу билан бирга ўзи сезмагани ҳолда юрагидаги муҳаббати нафратга ўрин бўшатиб бермоқда эди...

Одамзод табиати шунақа: хотиралар ниҳояси азобли бўлса ҳам дастлабки тотли лаҳзаларини қайта-қайта эслашни истайверади. Руҳиятини шу тариқа айриликқа кўниктириб боради гўё. Беҳзод ҳақида ўйлаш Сабрина учун ҳам қанчалик оғир бўлмасин, ўйламасликнинг ҳам сира иложи йўқ...

...Эсида, туғилган куни эди ўшанда. Болалари учун борлиғини беришга тайёр дадажониси кўнгли ярим қизининг хурсанд қилиш мақсадида унинг туғилган кунини катта шодиёнага айлантириб юборган эди. Ҳатто Сабрина́нинг дўсту дугоналарини ўзи уйларига таклиф этган эди. Ўшанда...

Ўшанда Беҳзод уларнинг хонадонига илк бор ташриф буюрган. Қўлида шунақанги чиройли гулдаста ва ялтироқ қоғозга ўралган совға бор эди. Унинг Сабринага ва Сабрина́нинг унга кўрсатаётган илтифотларини кўрган ота-онаси бирбирларига маъноли қараб олишганини сезган. Бу нигоҳларда қизларининг анчадан буён кулмаган юзидан мамнунлик, бу хушрўй йигит билан дўстона, балки муҳаббат билан боғлиқ туйғуларига монелик қилмаслик ифодаси бор эди.

Демак, Беҳзод уларга ёққан. Дадаси ҳам уни бир-икки гапга тутиб, синаб кўрди. Ўша тантанадан кейин бир неча кун ўтгач, тасодифан ойиси ва дадасининг суҳбатига гувоҳ бўлиб қолди.

— Ўша йигитнинг қизингда кўнгли борга ўхшайди, — деди дадаси.

— Билмасам... — Ойиси аслида ҳамма гапдан воқиф бўлса-да, негадир шундай деди.

— Агар бир-бирларини ёқтиришса, менинг қаршилигим йўқ, фақат гапсўзларни кўпайтирмай, тезроқ турмуш қуришсин дейман. Шу қизингни бошқача яхши кўраман, биласан, тиниб-тинчиб, бахтини топиб кетса эди, мен ҳам хотиржам кўз юмар эдимми бу дунёдан...

— Вой, нега унақа гапларни гапирасиз, дадаси? Энди болаларнинг ҳузурҳаловатини кўрадиган пайтимиз келдику! Худо хоҳласа, Сабрина бахтини топиб кетади, мана мени айтди дерсиз.

— Худо хоҳласа...

У кунларда Сабрина ўзида йўқ бахтиёр эди. Беҳзод билан албатта бахтли бўлишларига чин дилдан ишонарди. Аммо...

Аммо беаёв ажал бу хонадон учун навбатдаги, кутилмаган фожеани тайёрлаб қўйган экан. Дадажониси тўсатдан юрак хуружи туфайли вафот этди. Сабрина эндигина қаддини тиклаётган эди, яна мусибат исканжасида қолди. Етимликка кўниколмай ёнди, ўртанди яна. Шундай лаҳзаларда Беҳзод ёнида бўлди. Маърака ва маросимлар давомида бир неча марта хонадонларига келди. Сабрина́нинг оиласи билан яқинлашиб кетди. Унинг учун ҳамма йўл очиқ, ҳамма имкон мавжуд эди. Бироқ у бир нарсани унутиб қўйди: Вақти келиб қиз бечорани ташлаб кетсам, у оиласидагилар юзига қандай қарайди, деб бирор марта бўлсин ўйламади. Аксинча, бор маҳоратини ишга солиб, унинг учун «даромад манбаи» ҳисобланган, қанча яқинлашсанг, шунча кўпроқ фойда кўришинг мумкин бўлган ҳашаматли хонадонга, унинг арзанда қизига ўзини яхши кўрсатишга уринаверди. Ваҳоланки, унинг тилида бошқа сўзу дилида бошқа ният эди.

**(Давоми келгуси сонда)**

**Шаҳло ТОШБЕКОВА**

## Ажиб олам

## ЯЛҚОВ ПИЁДА УЧУН УЛОВ

"Хонда" ("Honda") компаниясининг қулай ва чиройли автомобил ва мотоцикллари дунёга машҳур. Яқинда ушбу компания ноанъанавий бир қурилма – "U3-X" деб номланган уницproperly



циклни яратди. Саккиз рақамини эслатувчи бу қурилма бир ўриндиқ ва бир ғилдиракка эга бўлиб, пиёдаларга мўлжалланган. У литий-ионли аккумулятор ёрдамида шаҳар кўчаларида эркин ҳаракатланади ва бошқа пиёдаларга асло ҳалал бермайди. "U3-X" уницикли оғирлик марказининг мақсадли йўналишига қараб, олдинга-орқага ва икки ёнга ҳаркатлана олади.

Қурилманинг баландлиги 65 см, оғирлиги 10 кг. Батареясининг бир марта қувватланиши 1 соатга етади. Унициклнинг тезлиги унча катта эмас, деярли пиёданинг оддий юриш тезлигига тенг, яъни соатига 6 км.

## СУЗУВЧИ ГИТАРА

Бу мусиқа "жинни"лари нималарни ўйлаб топишмайди дейсиз!.. Австралиялик мусиқачи Жош Пайка гитара деса ўзини томдан ташлайдиганлар хилидан. Шу боис у улкан гитара ясашга қарор қилди ва буни



уддалади. Қизиғи шундаки, у гитарага махсус мотор ўрнатиб, бир йўла уни моторли қайиққа ҳам айлантириб қўйди. Сувда сузувчи ушбу улкан гитара машҳур "Матон" гитарасининг нусхаси бўлиб, олтита тори ҳам бор ва хоҳишга қараб унда куй чалиш мумкин. Фақат бунинг учун бир неча мусиқачини жалб этиш керак бўлади.

**Наргиза САРИМОВА тайёрлади.**

# ОГОҲ БЎЛИНГ, «СОТКА КАСАЛИ»!

**МАВЗУ**

***Фарҳодлар видеога мўлтираб ўсар,***
***Ширинлар бир-бирин сочини кесар.***
***Шудгорни ким кечар,***
***Дарёни ким тўсар...***
***Йигирманчи аср, бу қандай гап ахир?***

**Муҳаммад ЮСУФ**

*Яқинда педагогик ўқув амалиёти юзасидан пойтахтимиздаги мактабларнинг бирида 5-синфларга дарс ўтдим. Бир куни қўнғироқ чалинмасдан сал аввалроқ синфхонага кириб қолдим. Нима бўлди-ю, орқароқда тўпланишиб турган бир гуруҳ ўғил болаларнинг «ана», «ў-ў-ў» деган овозларини эшитдиму, қизиқиб, уларнинг ёнига бордим.* ***Не кўз билан кўрайки, улар ҳаттоки катталарни ҳам даҳшатга солиб, этни жунжиктирадиган, яъни тирик одамнинг бошини узиб олинаётган бир воқеа акс этган видеотасвирни сесканмасдан, энг ёмони берилиб томоша қилишаётган экан.*** *Очиғи, бўлғуси ўқитувчи бўла туриб, укам тенги болаларга нима деб танбеҳ беришни билмай, тилим айланмай, турган жойимда қотиб қолдим.*

Ҳа, ҳозирги кунда коллеж ё лицей талабаларини қўя турайлик, ҳатто мактаб ўқувчиларининг кўпчилигида уяли телефон аппарати борлиги сир эмас. Бу бир қарашда кўпам ажабланарли туюлмайди. Табиийки, шиддатли тараққиёт маҳсули шундай. Лекин... ўқувчи ўз номи билан ўқувчи. Унинг вазифаси — яхши илм олиш, бурчи — ўз ота-онаси, устозлари ишончини оқлашдан иборат. Шундай экан, истиқлол фарзандлари, яъни эртанги кун эгалари бугун нима билан банд деган ҳақли савол бизларни ҳар лаҳза ўйлантириши шарт. Нега? Чунки кўриб, эшитиб, ўқиб турибмиз, дунё миқёсида телевидение, радио, интернет ва уяли алоқа воситалари орқали ёшлар онгига сингдирилаётган жаҳолат, ёвузлик ва маънавий бузуқлик ҳақида ташвишу хавотир билан тинмай ёзишмоқда, бонг урилмоқда. Ҳатто баъзи давлатларда



ўқувчилар ўртасида биз юқорида мисол қилиб келтирган воқеадаги сингари ҳолатлар юзага келмаслиги учун уяли телефонлардан фойдаланиш қатъиян таъқиқлаб қўйилди. Бу ҳам бежиз эмас. Минг бор шукрки, хорижда айнан болалар иштирокида рўй бераётган айрим аянчли воқеалар бизда кузатилмаяпти. Лекин шундай дея хотиржамлик ё эътиборсизликка берилиш яхши оқибатларга олиб келмаслигини ҳам унутмайлик.

«Боламнинг ҳеч кимдан кам жойи йўқ, ана, хоҳласанг компьютер ўйна, керак бўлса беш юз долларлик телефон олиб бераман», дея ўғил-қизларининг кўнглига қараб, унинг аҳлоқ-одоби, қандай ўқиётгани билан мутлақо қизиқмаётган ота-оналар ҳам кўп. Яшириб нима қиламиз, аслида ҳамма айб ўзимизда. Ўйлаб кўринг, телефони йўқ бола турли тасвирларни (фаҳш, разолат ва ҳ.к) ҳеч бўлмаса ёнидаги дўсти ё шеригининг телефонидан кўряпти-ку! **Беихтиёр ёқа ушлайсан: XX аср балоси видео дейишганди. XXI аср вабоси-чи, наҳотки, сотка бўлса! Атрофингизга қаранг: ёшлар ўзини, дунёни унутган. Қўлларида сотка, қулоқда наушник, кўзлари митти мониторга қадалган... Гўё ҳаммалари бу дарди бедаво «сотка касали»га чалинган.**

Хўш, айтинг, бизлар қаёққа қараб кетяпмиз, азиз тенгдошлар! Наҳот оддий бир ҳақиқатни унутиб қўяётган бўлсак: ахир бугун яхши ўқисак, ибратли тарбия олсак, эртага биз ҳар қандай тараққиёт чўққиларини эгаллашимиз аниқ. Наҳот, биз шу ёшимизда (шунингдек, укаларимиз, сингилларимиз ҳам) умримизни, ҳатто фикр, дунёқарашимизни ҳам емиришга қодир бўлган оддий бир матоҳ — (худди сигарет чекиш ёки наркотик воситаларга ружу қўйган каби) «сотка қули» бўлиб қолаверамиз?

**Камола АҲМЕДОВА,**
**ЎзМУ талабаси.**

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!




## ЭНДИ УМИДНИ УЗДИК

«Турмуш ўртоғим билан хиёнат қилганлиги сабабли ажрашиб кетдик. Ўзим олий маълумотли шифокор бўлганлигим учун икки ўғлимни ундан бир чақа ҳам олмай (ғururим йўл қўймади), қийинчиликларни меҳнат билан енгиб, вояга етказдим. Иккови ҳам уйлантириб, энди невара лар суйиб, ҳузур кўраман дегандим. Афсуски, катта ўғлим Комилжон бахтидан тинмади. Келин қўшни маҳалладан эди. Обдон суриштиргандим. Кўпчилик уни мақтаганди. Дастлаб икки ёш бинойидек яшашди. Уч ой ўтар-ўтмай Наргизанинг қилиғи чиқа бошлади. Йўқ жойдан баҳона топиб, жанжал кўтарарди. Уларни муросага келтиролмагач, қудаларимга маслаҳат солдим. Лекин тайинли жавоб эшитмадим ва ўғлимга рост-ёлғон гапириб, келинни йўлга солишга астойдил киришдим. Қотган новдани эгиб бўлмас экан. Эплолмадим. Ажрашишди. Фарзанди туғилгач, ўғлим билан уйларига йўқлаб бордик. Неварамни кўрсатишмади. Шу-шу бўлди-ю, энди умидни уздик. Ўғлимнинг бўй-басти келишган, топармон-тутармон йигит. **Ёши 30 да.** Оқ-қорани таниган, тақдири ўзиникига ўхшаш аёлга уйлантириш ниятидаман.

**Танзила опа,**
**Тошкент шаҳри».**

## БАҒРИМ БУТУН БЎЛДИ

«Ўша куни «Оила ва жамият»нинг сўнгги саҳифасига ёзилган манзилни излаб йўлга отландим. Автобусда ҳам ойна тарафга ўтириб, кўз ёшимни тиёлмай, бир аҳволда таҳририятни топиб бордим. Аксига олиб, қоровул амаки «бугун шанба-ку, улар ишламайди», деса бўладими? Ҳафсалам пир бўлиб қайтиб кетаётсам, амаки нима сабабдан келганимни суриштириб, «унда ҳужжатларингизни ташлаб кетинг, албатта бериб қўяман», дедилар. «Эрим вафот этган. Қизим билан опамнинг уйида, унинг қош-қовоғига қараб яшайман. Аҳволим оғир. Ошимга кўз ёшимни қўшиб ичаман. Менга ёрдам берасизлар, деган умиддаман», деб хат ҳам ёзиб қолдирдим. Эртаси куни таҳририятдан қўнғироқ қилишди ва хотини вафот этган икки ўғилли эркакнинг телефон рақамини беришди. Танишдик. Яқинларимга ҳам маъқул бўлди. Никоҳдан ўтдик. Ҳозир катта оиланинг бекасиман. Севимли газетамнинг беминнат кўмаги боис бахтимни топдим. Сизларга таъзим қиламан.

**Мавжуда».**

## АВВАЛ ЎЗИНИ ҚАДРЛАСИН...

«Раъно билан севишиб турмуш қургандик. Мен касбим тақозоси билан доим йўлда, сафарда бўлардим. Ҳамкасбларим ҳазиллашиб, «ҳайдовчи бўлсанг ҳам битта бўйинбоғ кам, хотинингнинг орасталигига балки», дейишарди. Чунки аёлим дастрўмолу пайпоғимгача эринмай ҳар бирини алоҳида халтачага солиб, сафар сумкамга жойлаб қўяр, «икки кунгагина кетаяпман-ку» десам, «унда бир кунда 3-4 марта алмаштирасиз», дерди кулиб. Кетма-кет тўрт ўғилли бўлдик. Раъно менга, фарзандларимизга бор меҳрини бағишлаганди. Қисмат экан-да, кутилмаганда бедаво дардга чалиниб қолди. Дўхтирлар ҳам қўлларидан келгунича даволашди. Оллоҳнинг иродаси экан. Раҳматлининг «ўғилларимни сизга, сизни эса Худога топширдим» дея айтган сўнгги васияти мени оёққа турғазди. Мана, шунга ҳам уч йил бўлди. Катта ўғлим олий даргоҳда, иккитаси коллежда, кенжам мактабда ўқийди. Яқинда аммам «уйлан, нима, энди қачонгача сўққабош юрасан?», дея бир жувонни таништирди. У эса ҳе йўқ, бе йўқ «ўғилларингизнинг кирини юваманми?» деса бўладими? «Ўзидан бир қадам нарини кўришга нигоҳи етмайдиган аёл билан яшаш тугул, бир дастурхон атрофида ўтиришни ҳам ўзимга эп билмадим», десам, аммам «Раънога ўхшашини топаман, деб хомтама бўлиб ёлғиз ўтмоқчисан шекиллида», деб қўйиди. **Ёшим 50 да.** Шу боис уйимизга энг аввало ўзини, қолаверса, бизларни қадрлайдиган оқила, меҳрибон бир аёл бека бўлиб келса яхши эди.

**Отабек,**
**Қашқадарё вилояти».**


## «ИНФАРММАДАД»

**Саломатлик марказига марҳамат!**

*Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларидаги малакали шифокорлар шунингдек, УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.*

**КЎПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!**

*Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.*

***Энди дунёга келган чақалоқлар эса мунтазам равишда болалар невропатологи, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригида бўлади.***

*Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий ожизлик, бепуштлик, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб, қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.*

***Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлик, сабабсиз қон кетиши, тухумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босимининг ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.***

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Ғафур Ғулом» метро бекати.**
**МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.**
**Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02**

*Барча хизматлар лицензияланган.*

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

**қуйидаги ўқув курсларга таклиф этади.**

**Ўқишга қабул ҳар куни**

**Тикувчилик** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Тўй ва оқшом либослари** — 1-2 ой.
**Аёллар костюм-шими, плаш-пальто** — 1-2 ой.
**Ҳамширалар** — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
**Тиббий массаж** — 2 ой амалиёт билан. Нуқтали — 1 ой.
**Торт ва пишириқлар амалиёти билан** — 2 ой.
**Пишириқлар олий курси** — 1 ой.
**Уйғурча таомлар ва салатлар** — 1 ой, амалиёти билан.
**Аёллар сартарошлиги** — 3 ой, амалиёт билан.
**Педикюр, маникюр** — 1 ой, амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 3 ой, амалиёти билан.
**Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж** — 1 ой.
**Бухгалтерия ҳисоби** — 3 ой.
**Парда ва чойшаблар** — 1 ой амалиёт билан.
**Сартарошлик** — 2-3 ой ўғил болалар учун. Салонда
**Каштачилик** — 3 ой машинкада вишивка.
**Инглиз тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Рус тили** — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
**Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш** — 2 ой.
**Сунъий гул ясаш** — 1-2 ой.
**Компьютер сабоқлари** — 2 ой. Интернет — 1 ой
**Арабча ва миллий рақс** — 3 ой.

■ **Машғулотлар амалиёти билан**
■ **Ётоқхона мавжуд**

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади**

**Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.**
**Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.**



**Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20**
**Мухбирлар: 234-25-46**
**Котибият: 233-04-35**
**Реклама бўлими: 233-04-50**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент – 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй**
**Мўлжал: «Олой» бозори ёнида**

**Web-site: oilavajamiyat. uz**

**E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz**

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07**да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 932. Формати А–3, ҳажми 4 табоқ. Адади – 9223
Навбатчи — **Тамара ХУММАМАТОВА**
Саҳифаловчилар — **Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ**
Мусаҳҳиҳлар — **Саидғани САЙДАЛИМОВ, Камола АҲМЕДОВА**

**ISSN 2010–7609**

2 3 4 5